



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА Ўз ССЖ ИИБ ФАХРИЯЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МУРОЖААТИ

Хурматли Ислон Абду-
ганиевич!

Биз, Ўзбекистон ССЖ ички ишлар идораларида 35 йил ва ундан ортиқ хизмат қилган. Совет Иттифоқи Коммунистик фирқаси сафларида 40 йил ва ундан ортиқроқ турган фахриялар КПССнинг қайта қуриш, турмушимизни янгилашдаги тутган йўлини тўла-тўқис қўллаб-қувватлаймиз. Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси ва жумҳурият ҳукуматининг иттифоқидошчилигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ривожлантириш, Ўзбекистон аҳолисининг фаровонлигини ва маданиятини ошириш сиёсатида чин дилдан қўшила-
миз.

Ўз куч ва имкониятимиз доирасида жамиятимизни демократиялаштириш жараёнида қатнашиб, милиция ходимларини, совет халқининг ёш авлодини тарбиялашда қатнашмоқдамиз.

Ўртоқ Президент, Сиз раҳбарлик қилаётган ҳукуматнинг халқимиз турмуш даражасини ошириш борасида қўраётган тадбирлари ҳаммамизни қувонтиради. Улар ўз самарасини бера бошлади ва кишиларимизни шижоатли меҳнатга илҳомлантиради.

Шу билан бирга қайта қуриш давомининг ўзида ҳаётда йўл қўйилган айрим хато ва камчиликлар бизларни ташвишлантирмоқда.

Ҳатто ранжитмоқда. Гап ёшларнинг маънавий тарбияси хусусидадир.

Демократия ва ошкораликни баъзи «маданият» шов-возлари қуюшқондан чиқиш, деб тушунишди. Очқўзлик, ҳамёнларини қаппайтириш иштиёқида ўзларининг бузғунчилик фаолиятларини кенг йўлга қўйишди. Ёмғирдан кейинги заҳарли қўзиқоринлардек видеосалонлар вужудга кел-
яптики, уларда сифатсиз: шафқатсизлик, зўравонлик, ахлоқ-одобга зидлик, бузғунчилик ва ҳаёсизликни тарғиб қилувчи кинофильмлар намоиш этилмоқда. Ахир, бу даргоҳга асосан ёшлар ташриф буюришадик. Ахлоқсизликни, маразни тарқатувчи маконнинг ҳокимияти ва комсомол идоралари ҳомийлигида бўлиши бизни қаттиқ таажжубга солмоқда.

Заррача виждон азобини тортмасдан бешармликини чоп этаётган рўзнома ва ойнамаларнинг айрим нашрлари, Марказий телевидени-
нинг баъзи кўрсатувлари ҳам маънавий бузғунчилик ишига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Тўғридан-тўғри ахлоқсизликни тарғиб қилишда фарқида бормай ғоявий зарарли,

даҳшат, зўравонлик ва сексдан иборат малъун фильмларни намоиш этаётган кинотеатрларимиз ҳам ортда қолмаётир. Бу номаъқулчиликнинг кўпайишига видеокассеталарни ижарага беришда назорат йўқлиги сабаб бўлмоқда.

Яширин чиқарилаётган, жумҳуриятимизга бошқа жойлардан келтирилиб, аҳоли ўртасида тарқатилаётган, фақат бир нарсага — инсон руҳини булғашга хизмат қиладиган кўплаб адабиётлар ҳақида ҳам гапириш зарур. Порнографиянинг расмий ёшлар нашрига ҳам кириб бораётганлиги сир эмас. Яқинда рўзномалар Тошкент шаҳрида тармоқ телевидениеси орқали паст сифатли шахвоний, бемаъни кинематографик маҳсулот намоиш этилгани тўғрисида ёзишди.

Авваллари порнография, зўравонлиқни мадҳ этувчи фильмларни яратувчи ва тарқатувчиларга қарши самарали курашган милиция ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ходимлари бугунги кунда бу имкониятдан жудо бўлишган, қатъий ҳаракат қилиш учун уларда қонуний асос йўқ.

Жамият, инсон саломатлиги учун соф ҳаво ва тоза

сувни сақлаб қолиш муҳим, бунинг ҳеч ким инкор қилмайди, аммо ахлоқнинг пок-
лигини кўз қорачуғидек ас-
раш аҳамияти ундан қо-
лишмайди. Ўз ССЖ ИИБ
жиноятчиликнинг ўсиши ўс-
мирлар ва ёшларнинг тар-
биясидаги ана шу иллатлар
билан бевоқифа боғлиқ
эканлигини сўзсиз тасдиқ-
ловчи далилларга эга.

Хурматли Ўртоқ Прези-
дент!

Биз Сиздан ёшларни маъ-
навий жиҳатдан бузишга
қаратилган уринишлар па-
йини кескин қирқиб им-
конини берадиган кечикти-
рилмас чораларни қабул
қилишингизни илтимос қи-
ла-
миз. Бунинг учун томо-
шахоналар деб аталмиш
масканлар мундарижаси-
нинг назоратини кучайти-
риш зарур. Шу мақсадда ҳу-
қуқни муҳофаза қилувчи
идораларнинг, айниқса, ми-
лициянинг ролин кескин
кучайтириш лозим. Бу бо-
рада аниқ ва мукамал Қо-
нун керак.

Кўтарилган муаммо пи-
шиб етилгани учун Ўзбе-
кистон ССЖ Олий Кенгаши
томонидан бундай қонун
қабул қилинишини мақсадга
мувофиқ деб ҳисоблаймиз.
Токи, у халқимизнинг ахлоқий негизини қўриқлаб,
жамиятимизнинг соғлом
маънавиятини бузишга ин-
тилганларни қаттиқ жазо-
ласин.

МЕНИНГ ФИКРИМЧА

«Постда» рўзномасининг 1991
йил 5 март кунги сониде мили-
ция капитани Анваржон Рўзима-
товнинг «Фикр асосли бўлсин»
сарлавҳали мақоласини зўр қи-
зиқиш ва хайрихоҳлик билан ўқи-
б чиқдим. Аввало ҳуқуқ-тартибот
ижрочилари олдида кўндаланг
турган ўткир муаммоларни юрак
ютиб, мунозарига ташлаган ҳам-
касбимга ва қолаверса бу муам-
моларнинг ўткирлигини ҳис қи-
либ, зудлик билан чоп этган му-
ҳаррират ходимларига раҳмат
айтгим келади.

Аввало шунинг таъкидлашим ке-
ракки, мақола муаллифи билдир-
ган фикрларга асло эътирозим
йўқ. Чиндан ҳам милиция халқ
осойишталигини қўриқлайди. Ле-
кин ана шу қўриқчини ким қўл-
лаб-қувватлайди, керак бўлса қай-
си мард муҳофаза этади — ана
шу муаммо ҳанузгача тўла ечи-
мини топган эмас.

Эҳтимол, шу ўринда баъзи ўр-
тоқлар «Милиция ходимларини
ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан
ҳимоя қилишни кучайтириш тўғ-
рисида»ги қонунни менга эслат-
моқчи бўлишар?

Бир латифа ҳамон ёдимда. Ик-
ки киши ўзаро жанжаллашиб, қо-
зига боришибди.

— Сен ростида ҳам бунинг бир
шопалоқ урдингми? — деб сўраб-
ди қози улардан бирига юзланиб.

— Ҳа, жаҳл устида...

— Ундай бўлса, бу одамга юз
тилла тоvon тўла!

Кейин икковлон кўчага чиқи-
шибди. Товон тўлаган киши ҳали
ҳам ғазабдан тушмаган экан, ик-
кинчи кишининг юзига яхшилаб
мушт тушириб:

— Ма, юз тилла тоvon, энди
орамиз очил! — деб йўлига ра-
вона бўлибди.

Юқоридаги қонун, ғарчи биз-
нинг ҳаётимизда муҳим аҳамият
касб этган бўлсада, белгилаб бер-
ган жазо чораларига нисбатан
бир талай эътирозларим бор. Ми-
сол учун Қонуннинг 187-1-модда-
сида: «Милиция ходимини ҳақо-
ратлаганлиги учун уч юз сўмдан
беш юз сўмгача жарима солини-
шига ёхуд иш ҳақининг йигирма
фонзини ушлаб қолган ҳолда ик-
ки ой муддатга ахлоқ тузатиш иш-
ларига жалб этишга олиб кела-
ди», — дейилади.

194-2 моддасида эса милиция
ходимларига тан жароҳати етказ-
илганлиги учун икки йилгача
муддатга озодликдан маҳрум этиш
ёки икки минг сўмгача миқдорда
жарима солиш билан жазолани-
ши кўрсатилган.

Наҳотки, ҳокимият вакили бўлган
милиция ходимини ёки жамоат
тартибини сақлаш юзасидан ўз
вазифасини адо этаётган бошқа
кишиларни атайин ҳақорат қил-
ганлик ёки унга қасддан тан жа-
роҳати етказганлик учун жарима-
сиз қаттиқроқ жазо чоралари қўл-
лашнинг иложи бўлмаса? Ахир
бундан ҳамёнингда уч юз сўминг
бўлса, милицияни ҳақоратлайвер-
ёки икки минг сўминг бўлса уни
дўппослашнинг мумкин, деган ху-
лоса келиб чиқмайдими?

Хуллас, ечимини топмаган ма-
салалар ҳали ҳаддан ташқари кўп.

Зиқрилла НЕЪМАТОВ,

Бухоро вилояти ИИБ ходими,
милиция лейтенанти.

Х А Б А Р

1991 йил 23 март кунин
У-205 рейси билан Тошкент-
дан Навойга учган пасса-
жир самолёти Навой шаҳ-
ри аэропортига қўнаётганда
авиация ҳалокати юз берди.
Одамлар ҳалок бўлди.

Ҳалокат сабабларини
аниқлаш учун Ўзбекистон
ССР Президенти ҳузурида-
ги Вазирлар Кабинети Раи-

сининг биринчи ўринбосари
ўртоқ И. Х. Жўрабеков
бошчилигида ҳукумат комис-
сияси тузилди.

СССР Граждан авиация-
си вазирлиги билан граж-
дан авиацияси Ўзбекистон
бошқармаси авиация ҳало-
кати сабабларини аниқлаш
юзасидан чоралар кўрмоқ-
да.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР КАБИНЕТИДАН

Ўзбекистон ССР Олий
Кенгаши, Ўзбекистон Ком-
партияси Марказий Коми-
тети, республика ҳукумати

авиация ҳалокатида ҳалок
бўлганларнинг оила аъзола-
рига ва ёр-биродарларига
чуқур таъзия билдиради.

ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНING ХАБАРИ

Граждан авиацияси Ўзбе-
кистон бошқармасининг
Тошкентдан Навойга учган
Ан-24 самолёти билан 1991
йил 23 мартда юз берган
авиация ҳалокат сабабларини
аниқлаш учун тузилган ҳу-
кумат комиссияси ҳалокат
юз берган жойга тезда
етиб келди. Маҳаллий ҳо-
кимият идоралари ва мута-
хассислар комиссия ишига
жалб этилди. Жабрланган-
ларга Тошкентдан ва рес-
публикаимизнинг бошқа ша-
ҳарларидан малакали тиб-
бий ходимлар келиб ёрдам
кўрсатишлари учун шоши-
линч чоралар кўрилди. На-

вой шаҳри табобат муасса-
саларининг имкониятлари
сафарбар қилинди. 7 жабр-
ланувчи ҳозирнинг ўзидаёқ
касалхонадан чиқди.

Комиссия биринчи нав-
батда авиация ҳалокат натижа-
сида ҳалок бўлганларнинг
ва жабрланганларнинг оила-
ларига ёрдам берди.

Авиация ҳалокат сабабларини
аниқлаш учун ҳалокат юз
берган жойга СССР Граж-
дан авиацияси вазирлиги-
нинг мутахассислари гуруҳи
келди.

Ҳукумат комиссияси ўз
ишини давом эттирмоқда.



Наманган вилоятининг Норин тумани ИИБ ходим-
лари орасида бурчини ўташда ҳамкасбларига ўртак кўр-
сатаётган, ҳуқуқбузарликлар олдини олишда эл олқиши-
га сазовор бўлаётганлар кўплаб топилади. Уастка
инспектори милиция катта лейтенанти Хурсанбой Хуса-
нов улардан бири. Тажрибали ходим муваффақиятлар ка-
литини халққа таянишда деб билмоқда.

СУРАТДА: Х. Хусанов ишига кўмакдошлар давраси-
Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ
олган сурат.

МОЛ КЎПМИ?

Айрим савдо дўконлари-
да моллар бир вақтлардаги-
дек мўл шекилли. Қўриқлаш
ишларининг ниҳоятда ўлда-
жўлдалиги шу билан изоҳ-
ланар, балким.

Тошкент шаҳар Жарқўр-
гон кўчасида Ҳамза туман
ишқ-овқат савдоси идо-
расининг омбори жойлашган.
Неча минг сўмлик харидор
кўзини ўйнатадиган молни
ёмон кўзлардан асраш бу
ерда шундай «пухта» уюш-
тирилибдики, ўғирлик қачон
содир бўлганини аниқ айти-

шолмайди. 23 март билан
25 март ўртасида омбор
деворини орқа томонидан
тешган ўғирлар 12,5 минг
сўмлик сигаретларни гўмдон
қилишган.

24 мартга ўтар кечаси
Сурхондарё вилоятидаги Де-
нов шаҳрининг 32-воситачи
дўкони деворини тешган
номатълум кимсалар ҳам қу-
руқ қайтишмади. Эрталаб
14 минг сўмлик мол ўма-
риб кетилгани аниқланди.

Ғ. БОЛТАБОВЕВ.

КАЗЗОБНИНГ МИНГ ХИЙЛАСИ

Совет тумани ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига бир аёл хабар қилди.

— Тезроқ келинглр, уйимни ўғри уриб кетибди... Аёл жуда ҳаяжонда эканлиги шундоққина сезилиб турарди. Демак қўшимча савол бериб ўтиришнинг ҳождати йўқ.

Айтилган жойга етиб борган оператив-тергов гуруҳи ходимлариға жабрланувчи А. Обидхўжаева тушунтира кетди: «Ишдан қайтаётган эдим. Йўлак олдиға етгач, юрагим негадир ҳовлиқиб кетди. Тезда иккинчи қаватга кўтарилдим. Кўтарилдим, ҳангу манг бўлиб қолдим. Не кўз билан қарайки, уйимиз эшиги очиқ эди. Зудлик билан қўшнимиз Шура ни чақириб, ичкариға биргаликда кирдик. Бор бисотимни ўмариб кетишибди, номардлар!»

Оператив гуруҳ ишға киришди. Ўғирлаб кетилган буюмлар жами уч минг сўмлик эканлиги ҳам аниқланди. Навбат савол-жавобға келди. Жабрланувчи суҳбат орасида бир ой аввал сингли Раъно уйидаги янги этигини Садри исмли йигитга сотиб юборгани, ўша йигитни эса кечагина шу яқин атрофда кўрганини айтди.

Жиноятчини қўлга тушириш бўйича туман ИИБ терговчиси ва жиноят қидирув бўлими ходимлари кўп ҳаракат қилишди. Шубҳа остиға олинган йигит ҳам топиб келтирилди ва бир неча бор сўроқ қилинди. Лекин у ҳар сафар бир гапни қайтара-верар, ўғирлик қилмаганини исботлаб беришға уринар эди. Натижада терговчи боши берк кўчаға кириб қолгандек бўлди. Шу зайлда орадан беш ой вақт ҳам ўтди. Пешона тери билан топган буюмларидан умидини узмаган А. Обидхўжаева эса вилот ИИБ бошлиғи Б. Мамажоновға арз қилди. Шундан сўнг тергов ишини давом эттириш тажрибали терговчи Ёдгорхўжа Ҳасановға топширилди. Дастлаб у уч кун мобайнида тўлланган материалларни синчковлик билан ўрганиб чиқди. Асосий эътиборни эса жабрланувчи ва унинг синглиси шубҳа қилган йигитға қаратди.

Чунки 1967 йилда туғилган Садри ҳеч қачон жамиятға фойдаси тегадиган иш билан шуғулланмаган шахс эди. Сўроқ пайтида у терговчига «ўғилбола» гапи борлигини айтиб қолди.

— Хўш, қандай гап экан? — сўради Б. Ҳасанов.

— Тан оламан, ўғри ким эканлигини била туриб шу пайтгача айтмай келдим, лекин сиз ҳам тушунингда...

— Ҳа, албатта.

— Мен эртаға ўша уйни «енгиллатиб» кетган одамни кўрсатаман. Фақат узоқдан, ўзингиз тушунасиз, агарда...

— Мен рози.

Эртаси кунни келишилган вақтда Садри бозорда рўмол сотаётган бир йигитга ишора қилди. Шай турган ходимлар дарҳол у йигитни шу йилнинг 15 март кунни соат 17 дан 5 дақиқа ўтганида шахримизнинг «Дизельная» бекатида бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Мен ўтирган «Тошкент» темир йўл вокзалидан «Чукурсой»ға қатновчи 1299 рақамли 10-маршрут троллейбуси трамвай изини кесиб ўтиб, Инқилоб хиббони бекатига етмасдан ўнг томонға шиддат билан бурилиб таққа тўхтади. Мен қизиқсиниб атрофға қарасам, троллейбуснинг ўнг биқинига бир енгил автома-

ушладиларда. ИИБға олиб келиб, текширувдан ўтказдилар. Исми Икром экан. Унинг қўлидаги рўмол эса ҳақиқатдан ҳам А. Обидхўжаевага тегишли бўлиб, ўғирланган буюмлар рўйхатида бор эди. Икром ҳам дастлабки сўроқ пайтидаёқ ўша аёлни уйига ўғирликка тушганлигига иқрор бўлди.

Кўринишдан жиноят очилгандек эди. Аммо ишни бундай силлиқ кўчиши терговчида шубҳа уйотди. Бунинг устиға Икром гапириб бераётган ўғирликнинг содир этиш тафсилотлари ҳам мантиққа тўғри келмаётган эди (буни фақат мутахассисларгина пайкай олади). Бировға айбнома эълон қилишдан олдин унинг қилмишини адолат тарозисига солиб кўришға одатланган Б. Ҳасанов Икромни қўйиб юборди. Лекин энг муҳими калаванинг учи топилинганди. Энди ҳамма гап ўғирланган буюмларни қаердалигини аниқлашда эди. Шундагина галвирни сувдан кўтарса бўлади.

Вилот ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув бўлими бошлиғи Қ. Мелихонов ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи бўлими бошлиғи А. Мамажоновлар ёрдамида ўтказилган тадбирий чоралар ижобий натижа берди. Улар И. исмли йигитни аниқлаб, унинг уйдан қидирилаётган буюмларни топдилар.

Нихоят ашёвий далилларни стол устиға қўяётган Б. Ҳасанов Садриға қараб: «Дўстингнинг уйдан топдилар» — деди. Кутилмаган зарбаға учраган бу найрангбоз яна бўш келмасликка ҳаракат қилиб кўрди.

— Ахир, ўзинг сеникида туратурсин, сафардан қайтгач, оламан, деган экансан-ку?

Нихоят Садрининг ранги оқариб, қўллари қалтирай бошлади. Чунки бу «ўйин»да ютқазиб қўйганлигини англаб етганди.

— Ҳеч бўлмаса сўнгги саволимға тўғри жавоб берарсан. Нима учун Икром бу жиноятни ўз бўйниға олмоқчи бўлди ёки унинг ҳам иштироки борми?

— Йўқ, у ўғирлик қилган эмас.

— Бўлмаса сабаби нимада? — Менга қиморда ютқазиб қўйган эди. Қарзини вақтида тўлай олмагач, «қонунға» биноан у менинг изимда эди.

— Демак, у емаган сомсасига пул тўламоқчи бўлибди-да, шундайми?

Садридан нидо чиқмади.

У беш ойдан бери ички ишлар бўлимиға қатнайвери-риб ҳаттоки сўроқ пайтида ҳам ўзини жуда хотиржам ҳис этишға кўникиб қолган эди. Гўёки айбсиз фариштадек. Бугун эса найранги ўтмади.

Энди у келгусида қандай яшаш кераклиги ҳақида бош қотирмоқда. Ўйлаш муддатини эса халқ суди белгилайди.

Неъматжон МАМАЖОНОВ,
Наманган вилоти ИИБ
ходими милиция майори.



Акмал Икромов тумани ИИБ навбатчиси, милиция майори Алишер Мавлонов билан суҳбатлашиб, иш фаолиятини ёритиш мақсадида энди фотоаппаратнинг объективини унга тўғрилаган эдимки, кўкқисдан телефон жиринглаб қолди. У трубкани кўтарар экан, менга узрини айтиб, ўз иши билан шуғуллана бошлади. Тумандаги кўп қаватли уйлاردан бирида ўғирлик содир бўлгани ҳақидаги шошилинч хабарни эшитди-да, дарҳол оператив гуруҳ вакиллариға маълум қилди. Бир неча дақиқадан сўнг ташқарида жиноят қидирув бўлими оператив вакили, милиция катта лейтенанти Бахтиёр Иброҳимов, тергов бўлими терговчиси, милиция лейтенанти Холида Мамажонова, участка вакили, милиция катта лейтенанти Гром Цой, балогатға етмаган ёшлар билан ишлаш бўлими инспектори, милиция капитани Юлия Позднякова, эксперт, милиция лейтенанти Андрей Золотарёвларни машина кутарди. Мен ҳам улар кетидан беихтиёр эргашдим.

Машина шиддат билан ИИБ ҳовлисидан елиб чиқди. Фарҳод бозори ёнидаги 23-маҳалла уйларидадан бири ҳовлисига кириб келганимизда, кўп қаватли уйда истикомат қиладиган Салимаҳоннинг кўни-кўшнилари бизни интизорлик билан кутаётганлигини кўрдик. Машинадан тушишимиз биланок бизни ёшу қари ўраб олди.

Иккинчи қаватда турадиган Салимаҳоннинг ён қўшниси Екатерина Павловна воқеа ҳақида узук-юлуқ ҳикоя қила бошлади. Унинг айтишича,



ОТА-ОНА ЖАВОБ БЕРСИН

Мен «Постда» рўзномасини бундан 30 йил аввал ҳам катта қизиқиш билан ўқир эдим.

Мана рўзнома яна тикланди. Мен унинг саҳифаларида ёшлар тарбиясига бағишланган мақолаларни мунтазам кузатиб бораман.

Касбим ўқитувчи бўлганлиги сабабли мени кўпроқ мактаб ўқувчилари томонидан содир этилаётган жиноятларнинг тобора ошиб бораётганлиги ташвишға солади.

Касбим тақозоси билан ўқувчиларимнинг таълим-тарбияси, ҳулқи хусусида турли тоифадаги, муҳитдаги оилалар, ота-оналар билан суҳбатлашшға тўғри келади.

Қовун қовундан ранг олади, деганларидек, болалар ҳамма қилиқни ота-онасидан ўрганади. Улар эса ўз навбатида худди ана шу томонларға аҳамият бермайдилар. Болаларини ҳаддан зиёд

ДАЪВОСИ ЙЎҚ ЭМИШ



бундан бир ойча аввал Салимаҳон қизини чиқаргандан сўнг Келесга — қариндошларининг уйига кетар экан, унга ўзи яшайдиган хонадон эшиги калитини бериб, кўз-қулоқ бўлиб туришни илтимос қилибди. 20 кун олдин у бир келиб кетганида ҳаммаёқ сув қуйгандек жим-жит экан. Бугун эса... уйига ўғри тушибди.

— Ишдан келиб уйда 1-2 соат дам олдим, телевизор кўрдим. Кел, кўни-кўшниларнинг суҳбатини бир олай, деб пастға тушдим, — деб гапида давом этди Екатерина Павловна. — Ўзим тенгги аёллар билан ҳол-аҳвол сўрашаётган эдим, шунда улардан бири: «Ие, Салимаҳоннинг квартираси деразасида ойна йўқ-ку», — деди. Юрагим шиг этиб кетди. Ховлиққанимча 2-қаватға кўтарилдим. Кўшнилар ҳам олдинма-кейин юқорига чиқишди. Қай кўз билан кўрай-ки, Салимаҳоннинг эшиги қулфланмаган эди. Ичкариға ҳаммамиз биргалишиб кирдик ва анкайиб қолдик. Залдаги палос йўқ, даҳлиздаги сандиқ титкиланган, ўринқурпалар полда айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Зудлик билан мана сизларға телефон қилдик.

Оператив гуруҳ дарҳол хонадон соҳибасини Келесдан олиб келиш чорасини излай бошлади. Икки соатлар ўтди чамаси, қаршимизда Салимаҳон ўтирарди. У гўё ҳеч нарса бўлмагандек, саволларға хотиржам жавоб берарди. Уни ички ишлар бўлимиға таклиф қилишди. Кейинчалик маълум бўлишича, уйға тушган ўғри ўзининг иккинчи турмушидан бўлган ўғли бўлиб чиқди. У қўшнисида калит бор-

лигини билмасдан, дераза ойнасини эҳтиётлик билан олган. Уйдаги зарур буюмларни йиғиштиргач, эшикни ичкари томондан очиб, ўзининг янги қўрган оиласи томон ошиққан.

Салимаҳон даъвоим йўқ, деди. ИИБдаги ёзиб-чиқилаётган ишларға нуқта қўйилди. Лекин бизнинг фикрларға нуқта қўйишдан олдин қатор жумбоқли саволлар туғила бошлади. Салимаҳон наҳотки шунча вақт ўзи яшайдиган хонадони ҳолидан хабар олмаса? Ахир, у кўп қаватли уйда яшайди-ку! Иссиқ ва совуқ сувлар тошиши, трубалар ёрилиб кетиши мумкинми? Лоқайдлик ҳам чегарали бўлиши керак-ку!

Салимаҳон хонадонидан сирли «гум» қилинган буюмлар ўғирсини топиш учун ИИБнинг бир гуруҳ ходимлари қарийб 5 соат вақт сарфлашди. Шунча меҳнат зое кетди.

Бизнинг бу ҳикоямиз қаҳрамони, қўшнисининг исмлари тамоман ўзгартрилган. Қанийди, бунга ўхшаш воқеалар кундалик турмушимизда бўлмаса, одамларда йўқолиб бораётган меҳр-муҳаббат, оқибат, бир-бирига бўлган садоқат қайта илдииз отса айни мудоао бўларди.

Ҳабибулла ШОДИЕВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Навбатчи, милиция майори Алишер Мавлонов хизмат вақтида.

2. Оператив гуруҳ йўлга отланяпти.

3. «Ўғирлик» содир бўлган хонадон.

4. Эксперт Андрей Золотарёв.

Суратларни муаллиф олган.



талтайтириб юборган ота-оналарни кўриб, Ж. Руссонинг қуйидаги сўзлари ёдимға тушади: «Биласизми, фарзандни бахтсиз қилишнинг энг осон йўли нимадан иборат — бу ҳеч нарсадан ва ҳеч қачон унинг раъйини қайтармасликка ўргатишдир».

Шунинг учун ҳам болалар тарбияси ишида аваламбор ота-онанинг жавобгарлигини ошириш зарур. Айрим жойларда баъзи ота-оналар йилда бир марта бўладиган мажлисга ҳам келишмайди. Ахир муаллимдан ҳам бола тақдири учун улар жавобгар-ку!

Мен хатимни тугатар эканман, «Постда» рўзномаси ижодкорлари болалар муаммосига бағишланган янги-янги руқнлар билан чиқиб, унда янада қизиқарли мақолалар бериб боришади, деб умид билдираман.

Пардабой БУХОРОВ,
ўқитувчи, меҳнат фахрийси.

ЖИЗЗАКИЛИК ЯРАШМАЙДИ

шина тўхтабди. Троллейбус ҳайдовчиси Нишонов ух тортиб: «Ановини қаранглр, бурилишни оғоҳлантирувчи чирогимни ёқишимға қарамай бекат ва троллейбус оралиғига текилиб келганини, яхшиямки кўзгуга қараганим», — деди.

Троллейбус ҳайдовчиси билан мен енгил автомашина

ҳайдовчисига яқинлашиб улгурмай рулда ўтирган милиция формасидаги йигит бир оёғини ерга қўйиб бизға бақирди:

— Эй, менга қаранг, нима қилипсиз ўзи?

— Менинг бурилиш чирогим ёқилган эди. Сизку қондан иккинчиси кабинада туриб, бизларни менсимай тутаетган

ишингиз уят эмасми?

— Нимаси уят экан. Ҳозир протокол ёзайми?

— Жуда яхши, ёзинг.

Мен милиция формасидаги бу кишиға қараб туриб, шинели ёқасининг тағидаги ДАН нишонининг учига кўзим тушиб қолди.

Мен ҳам Нишоновнинг гапларини қувватладим.

— Ўғлим, ўзингиз қондани

бузиб, бу кишидан уэр сўраш ўрниға протокол ёзайми, деб дўқ уришингиз яхши эмас.

— Амаки, нима деяпсиз, айб у кишида.

Мен милиция сержантининг ёқасини кўтариб 0142 рақамини ёзиб олишға мажбур бўлдим. 23-35 ТШР рақамли машинанинг ҳайдовчиси бўлиш бу милиция сержантининг бундай қўпол муомаласига ДАН бошқармаси раҳбарлари қандай баҳо беришаркин?

Ҳ. МАҲКАМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЧАКАНА НАРХЛАРНИНГ ИСЛОХ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ССЖ АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

ССЖИ Президентининг «Чакана нархларни ислох қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги 1991 йил 19 мартдаги Фармони ва ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархларни ислох қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги 1991 йил 19 мартдаги 105-сонли қарорига мувофиқ мамлакатда чакана нархлар ислохотини амалга ошириш назарда тутилмоқда. Айни вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иш ҳақини, стипендияларни, пенсияларни, нафақаларни ва бошқа тўловларни ошириш юзасидан аниқ тадбирларни рўйбга чиқариш белгиланди.

ССЖИ Президентининг Фармони ва ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг қарорига амал қилиб ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IV сессияси томонидан 1991 йил 14 февралда қабул қилинган қарорларга мувофиқ жумҳурият аҳолисини, аввало унинг кам таъминланган қатламларининг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш, серунум меҳнатга қизиқшни кучайтириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни кўпайтириш мақсадида, миллий анъаналарни, юзага келган демографик вазиятни ҳамда ишлаб чиқаришнинг ва истеъмол структурасининг регионал хусусиятларини эътиборга олиб Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархларни ислох қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги 1991 йил 19 мартдаги 105-сонли қарори инобатга олиниб, амал қилиш учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарорда қуйидагилар белгиланди:

аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича комплекс тадбирлар туркумини амалга оширишда ССЖИ фуқароларининг меҳнат қилиш, меҳнатга адолатли ҳақ олиш учун конституцион ҳуқуқларига, уларнинг қонун олдида тенглиги ва барча жумҳуриятларнинг тенг ҳуқуқлилигига сўзсиз амал қилинсин;

асосий озиқ-овқат молларининг, оммавий турдаги қурилиш материаллари ва мебеллар, шунингдек, аҳолининг турли ижтимоий табақалари ва гуруҳлари даромадлари даражасини эътиборга олиб жумҳуриятлар белгиланган рўйхатдаги бошқа ноозик-овқат моллар давлат чакана нархларини оширишдан тушадиган маблағнинг ҳаммаси компенсация сифатида ишлатилсин;

войга етмаган болалари бўлган оилаларга аниқ мақсадли кўзлаган ҳолда тегишли маблағлар йўналтирилсин ва болаларбоп молларнинг қимматлашуви натижасида кўриладиган зарар тўла қоплансин;

бюджет ва бошқа манбалар ҳисобидан бериладиган компенсация тўловларининг миқдори, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам ҳимояланган табақалари, аввало, болалар, ўқувчи ёшлар, ногиронлар, пенсионерлар, ёш, нотўлиқ ва кўп болали оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга устуник берган ҳолда аҳолининг ижтимоий демографик гуруҳ-

лари бўйича табақалаштирилсин;

ишловчиларнинг иш ҳақи (меҳнатга тўланадиган ҳақ) оширилиб, айни вақтда корхоналар (жамоа хўжаликлари) фойдаси ва фуқароларнинг даромадларига солинадиган солиқ камайтирилсин;

нархлар ва тарифлар оширилишидан олинган маблағларнинг бир қисми маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, маданият соҳалари ва архив муассасалари етакчи ходимларининг иш ҳақи даражасини кўшимча равишда ошириш мақсадида сарфлансин;

ўқувчи ёшларнинг амалдаги стипендиялари оширилсин ва янгилари жорий этилсин;

ҳарбий хизматчиларнинг пул даромади, озиқ-овқат, буюм ва бошқа моддий таъминот миқдорлари кўпайтирилсин;

ҳамма турдаги пенсиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг миқдори оширилсин, шунингдек, ССЖИ ижтимоий суғурта ва ССЖИ пенсия фонди маблағлари ҳисобига давлатнинг моддий ёрдамидан фойдаланувчи шахсларнинг доираси кенгайтирилсин;

аҳолига шифохоналарда, интернатларда, мактабларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, мактабгача тарбия ва ижтимоий соҳанинг бошқа муассасаларида ижтимоий хизмат кўрсатишга харажатларнинг ошиши тўла қоплансин;

аҳолининг кам таъминланган қатламларига тўланадиган пул тўловларига кўшимча равишда маҳаллий органлар томонидан ҳар турли ижтимоий, биринчи навбатда ашёвий ёрдамлар берилсин;

озиқ-овқат молларига давлат чакана нархларининг минтақа бўйича табақалаштирилиши бекор қилинсин, тўлов миқдорларини белгилашда иш ҳақига тўланадиган амалдаги ҳудудий коэффициентлар ҳисобга олинсин;

студентларга ва ўқувчиларга, пенсионерлар, болаларга ижтимоий пенсиялар ва нафақалар олувчи бошқа шахсларга дастлабки тўловлар олдиндан, 1991 йил 1 апрелига қадар тўлансин.

3. Жумҳуриятнинг ўзига хос томонларини, миллий хусусиятларини, ишлаб чиқариш ва истеъмол структурасини ҳисобга олиб нон ва нон-булка маҳсулотлари, ун, макарон маҳсулотларининг амалдаги чакана нархлари 1991 йилда ўзгаришсиз сақлаб қолинсин.

Дори-дармон ва тиббиёт буюмлари, кофе, сунъий ва синтетик толадан тўқилган газлама ва ундан тайёрланган буюмлар, синтетик материаллардан ишлаб чиқариладиган пойабзал, мўйна, трикотаж, пайпоқ ва ўйинчоқлар, аҳолига сотиладиган бензин, керосин, электр энергия, газ, кўмир, ёқилғи ва ўтин, шунингдек, арақнинг амалдаги давлат чакана нархлари оширилмасин.

4. Асосий озиқ-овқат моллари, болалар моллари, оммавий қурилиш материаллари турларига ва мебелларга янги давлат чакана нархлари оширилиши билан боғлиқ кўшимча харажатлар учун аҳолига тўла компенса-

ция қилинсин ҳамда фуқароларнинг айрим тоифалари учун Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармонлари ва амалдаги қонунларда белгиланган шаҳар транспортдан бепул фойдаланиш имтиёзлари сақлаб қолинсин.

Аҳолининг барча тоифаларига дастлабки компенсация тўловлари кўшимча ҳужжатлар талаб қилинмасдан амалга оширилиши мумкин, зарур ҳолларда кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилиб чиқарилади.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ТАРТИБИ ВА УЛАРНИНГ ЭНГ КАМ КАФОЛАТЛАНГАН МИҚДОРИ ИШЛОВЧИ ФУҚАРОЛАРГА

5. Давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ССЖИ ҳукумати ёки унинг топшириғига биноан бошқа органларнинг қарорлари билан тасдиқланган тариф ставкалари ва лавозим окладларини қайта кўриб чиқсинлар.

Иш ҳақи ставкалари ва окладлар корхона маъмурияти томонидан касаба қўмитаси билан келишилган тартиб ва миқдорлар асосида ҳамда мазкур қарорда белгиланган тўлов принциплари ҳисобга олинган ҳолда, лекин ойига 60 сўмдан кам бўлмаган миқдорда оширилади.

Нархлар оширилиши муносабати билан олдиндан компенсация беришни таъминлаш мақсадида дастлабки тўловлар шу йилнинг 1 апрелига қадар абсолют суммаларда алоҳида ведомость бўйича иш ҳақига махсус кўшимча тариқасида тўлансин ва кейинчалик бу суммалар улар қайта кўриб чиқилишига қараб иш ҳақи ставкалари ва окладларга қўшилсин.

Қуйидагилар тавсия этилсин:

давлат тариф ставкалари ва лавозим окладларини қўловчи жамоа ва кооператив хўжаликлар, жамоат ташкилотлари ўз ишловчиларининг иш ҳақларини давлат корхоналари ва ташкилотлари учун мазкур қарорда белгиланган принципларни эътиборга олган ҳолда оширсин;

мулкка эгаллик қилиш шаклларида қатъи назар, хўжалик ҳисобидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар озиқ-овқат маҳсулотларига чакана нархларининг ошиши муносабати билан ишчилар ошхоналари ва буфетларининг кўшимча харажатларини ўз маблағлари ҳисобидан қопласинлар.

Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг оширилиши муносабати билан бюджетдан маблағ билан таъминланган мактаблар ва болалар муассасалари ошхона ва буфетларининг кўшимча харажатлари ўрнини қоплаш учун зарур бўлган маблағларни қидириб топсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ставкалар ва окладлар мазкур қарорнинг 5-пунктига мувофиқ оширилгандан кейин корхоналар ишчилар ва хизматчиларга тариф ставкаларини, лавозим окладларини мустақил равишда белгилайдилар, бунда ходимлар тоифалари ичида

ставкалар ва окладлар миқдорида амалдаги нисбатларни сақлаб қоладилар, шунингдек устама ҳақлар, кўшимча ҳақлар, мукофотлар ҳамда хизмат муддати учун бир йўла бериладиган мукофотни ҳам қўшганда раббатлантирувчи бошқа тўловларнинг турлари ва миқдорларини белгилайдилар, шу мақсадларга илғари ажратилган маблағларни корхоналарда сақлаб қоладилар.

Тегишли касб-малакага эга бўлган ходимлар гуруҳлари учун ставкалар ва окладлар, устама ҳақлар, кўшимча ҳақларнинг аниқ миқдорлари корхоналарда коллектив шартномалар (тариф битимлари)га кўра белгиланади.

Юқорида кўрсатилган ҳуқуқлар «СССРда корхоналар тўғрисида»ги, «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинган солиқлар тўғрисида» ва «1991 йилги Иттифоқ бюджет тўғрисида»ги «СССР Қонунларига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашга ажратилган маблағлар ҳисобида давлат чакана нархларининг миқдорида қайта кўриб чиқарилади.

Бюджетдан молиявий таъминланган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бу ҳуқуқларни шу мақсадлар учун ажратилган маблағлар доирасида рўйбга чиқарадилар.

7. Белгилаб қўйилсинки, меҳнат ҳақининг минимал даражаларининг давлат кафолатлари ва мазкур қарорда назарда тутилган ставкалар ва окладларни ошириш тартиби мулкка эгаллик қилишнинг ҳамма шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан ёллангиш шарти билан меҳнат қиладиган ходимларга ҳам тааллуқлидир.

8. Маълумот учун қабул қилинсинки, СССР Вазирлар Маҳкамаси томонидан юқорида қайд этилган қарор билан қуйидагилар юклатилди:

маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, маданият ва архив муассасаларининг етакчи ходимларининг иш ҳақи кўпайтирилсин ва ишлаб чиқариш тармоқлари ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақ даражасига яқинлаштирилсин;

нархлар ислох қилиниши муносабати билан мазкур тармоқларнинг ходимларига (шунингдек, бошқа тармоқларнинг ходимларига) тариф ставкалари ва окладларига махсус кўшимча ҳақ тарзида алоҳида ведомость бўйича 60 сўм миқдорида олдиндан компенсация тўлансин.

ЎзССР меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат қўмитаси ходимларининг мазкур тоифаларига тариф ставкалари ва окладларининг янги миқдорларини тасдиқласин, бунда уларни СССР ҳукумати ёки унинг топшириғига биноан бошқа органлар қарорлари билан белгиланганига нисбатан ўрта ҳисобда 1,6—1,7 барабар оширишни назарда тутсин

(мазкур қарорнинг 5-пунктида назарда тутилган тадбирларни ҳисобга олган ҳолда).

9. Ўзбекистон ССР меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича давлат қўмитаси бир ой муддат ичида мамлакатнинг шимолий ва шарқий минтақалари тенглаштирилган шароитлардаги узлуксиз иш стаж учун иш ҳақига коэффициентлар (район, тоғли, чўл ва сувсиз районларда ишлаганлиги учун коэффициентлар) процент устамаларини ҳисоблаш учун иш ҳақининг амалдаги миқдори чегараларини (300 сўм) нархларнинг ўсиши муносабати билан аҳоли даромадларининг ошишига кафолат берувчи миқдордаги суммага ошириш юзасидан таклифлар тайёрлансин ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига киритилсин.

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА

10. Болали оилаларнинг турмуш даражасини сақлаб қолиш мақсадида бундай оилаларга ижтимоий нафақаларнинг амалдаги миқдорлари ўрта ҳисобда 1,6—1,8 барабар кўпайтирилсин ҳамда илғари нафақа олмаган 16 ёшгача бўлган болаларга, стипендия олмайди-ган ўқувчиларга эса — 18 ёшгача махсус компенсациялар жорий этилсин.

11. Ижтимоий тўловларнинг ҳозирги вақтда умуман мамлакат бўйича амал қилаётган кам иш ҳақининг белгиланган миқдорида нисбатан процент ҳисобидаги миқдорини ҳисоблаб чиқаришнинг ҳозирги тартибини сақлаб қолиш мақсадида мувофиқ деб топилсин. Энг кам иш ҳақининг янги даражаси тасдиқлангунга қадар болали оилаларга амалдаги нафақаларнинг энг кам миқдорларининг қуйидаги давлат кафолатлари белгилансин:

а) 250 сўм — ҳар бир бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа;

б) 110 сўм — ҳар ойлик нафақалар:

бир йиллик иш стажига эга бўлган ишловчи оналарга (иш стажидан қатъи назар, 18 ёшга етмаган аёлларга), шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиган оналарга боласи бир ярим ёшга киргунга қадар уни тарбиялашга. Икки ва ундан кўп бола туғилганда нафақа ҳар бир бола учун тўланади;

муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг болаларига;

ҳомийликда (васийликда) бўлган болаларга;

болалар уйлари (мактаб-интернатларнинг) собиқ тарбияланувчилари бўлган ёлғиз оналар (бевалар, бева эркаклар)нинг болаларига;

иммунодефицит вирусига юққан ва СПИДга чалинган 16 ёшгача бўлган болаларга;

в) 90 сўм — ҳар ойлик нафақа:

6 ёшдан 16 ёшгача болалари бўлган (стипендия олмайди)ган ўқувчилар — 18 ёшгача) ёлғиз оналарга,

(Давоми тўртинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЧАКАНА НАРХЛАРНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ССЖ АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши учинчи бетда)

ота-оналари алимент тўлашдан бўйин товлаган ёки қонунда назарда тутилган алимент ундириш мумкин бўлмаган бошқа ҳолларда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга;

г) 80 сўм — ҳар ойлик нафақа;

Йиллик иш стажига эга бўлмаган ишлайдиган аёлларга ва ишламайдиган аёлларга боласини бир ярим ёшга киргунга қадар тарбиялашга. Икки ёки ундан кўп бола турилганда нафақа ҳар бир бола учун тўланади;

бир ярим ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга. Бунда ҳар бир оила аъзосининг нафақа олиш ҳуқуқини берадиган умумий даромадининг чегараси икки барабар кўпайтирилсин, уни энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида — 280 сўм қилиб белгилансин;

6 ёшгача болалари бўлган ёлғиз оналарга;

ота-оналари алимент тўлашдан бош тортган, ёхуд қонунда назарда тутилган алимент ундириш имкони бўлмаган бошқа ҳолларда 6 ёшгача бўлган болаларга.

12. Амалдаги ижтимоий таъминот системаси бўйича нафақа ва пенсиялар олмайдиган 16 ёшгача бўлган болаларга (стипендия олмайдиган ўқувчиларга — 18 ёшгача) 40 сўм миқдорида ойлик тўловлар белгилансин.

13. Болаларга аталган молларнинг қимматлашуви муносабати билан вояга етмаган болали оилаларга бир йилга қуйидаги миқдорларда компенсация тўловлари жорий этилсин:

6 ёшгача бўлган болалар учун — камида 200 сўм;

6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун — камида 240 сўм;

13 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун — камида 280 сўм.

Кўрсатилган бу компенсациялар ҳар кварталда барабар ҳиссада тўлансин.

14. Мазкур қарорнинг 11, 12 ва 13-пунктларида белгиланган компенсациялар онанинг асосий иш жойида, агар она ишламайдиган бўлса, отанинг ёки ота-онанинг ўрнидаги шахснинг асосий иш жойидан тўланади. Бошқа ҳолларда компенсациялар ёш ота-она ёки ота-онанинг ўрнидаги шахснинг яшаш жойидаги ижтимоий таъминот органларида тўланади.

Мазкур қарорнинг 12 ва 13-пунктларида белгиланган тўловлар оиланинг ҳар бир аъзосининг жами даромади энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари — 280 сўмдан ошмайдиган болали оилаларга берилади.

Тегишли нафақалар ва компенсациялар бир вақтда тўланади.

Тўловлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан берилади:

а) пенсия фондидан; бир ярим ёшга етмаган ёш болаларни тарбиялаш учун ойлик нафақалар ва бир ярим ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга нафақалар;

муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг болаларига нафақалар;

иммунодефицит вируси оққан ва СПИДга чалинган 16 ёшгача бўлган болаларга нафақалар;

ЎзССР Молия вазирлиги ЎзССР Ижтимоий таъминот вазирлиги ва СССР пенсия фонднинг Ўзбекистон жумҳурият бўлими билан биргаликда юқорида қайд этилган харажатларни қоплашга йўналтирилган маблағларнинг аниқ манбаларини аниқласин;

б) ижтимоий суғурта фондидан — ҳар бир бола турилгандан кейин бир йўла бериладиган нафақа;

в) жумҳурият бюджетларидан;

болалар уйлари (мактаб-интернатлар)нинг солиқ тарбияланувчиларидан бўлган ёлғиз оналар (бевалар, бева эркаклар)нинг болаларига ойлик нафақалар;

6 ёшдан ва 16 ёшгача болалари бўлган (стипендия олмайдиган ўқувчилар — 18 ёшгача), 6 ёшгача болалари бўлган ёлғиз оналарга;

амалдаги ижтимоий таъминот системаси бўйича нафақалар ва пенсиялар олмайдиган болаларга ойлик тўловлар;

болаларга аталган моллар анча қимматлашиши муносабати билан балоғатга етмаган болалари бўлган оилаларга тўловлар;

г) маҳаллий бюджетлардан — ҳомийликда (васийликда) бўлган болаларга ойлик нафақа. Нафақалар ҳалқ таълими органлари томонидан тўланади.

ота-оналари алимент тўлашдан бўйин товлаган ёки қонунда назарда тутилган алимент ундириш имкони бўлмаган бошқа ҳолларда болаларга нафақалар балоғатга етмаган болаларга вақтинча нафақалар тўлаш учун мўлжалланган маблағлар ҳисобидан берилади.

ЎҚУВЧИ ЕШЛАРГА

15. Чакана нархларнинг ошишига компенсация сифатида олий ўқув юртлари студентларнинг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари миқдори кўпайтирилсин, бунда СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1990 йил 7 апрелдаги 330-сон ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 1990 йил 31 майдаги 225-сон қарорларига мувофиқ белгиланган стипендияларга тўланадиган устамаларнинг абсолют миқдорлари сақлаб қолинсин.

Олий ўқув юртларида стипендиялар қуйидагича белгилансин:

дарсларни ўзлаштирувчи студентларга ойига 120 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган студентларга ойига 135 сўм, фақат аъло баҳолар олган студентларга эса 150 сўм миқдорида;

ота-онасиз ва ота-она қаровисиз қолган студентларга ойига 160 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек,

фақат яхши ва аъло баҳолар олган студентларга ойига 185 сўм, фақат аъло баҳолар олган студентларга эса 210 сўм миқдорида;

ота-онасиз ва ота-она қаровисиз қолган давлат қарамонидидаги студентларга ойига 100 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган студентларга ойига 115 сўм, фақат аъло баҳолар олган студентларга эса 130 сўм миқдорида;

СССР ҳукуматининг қарорларига мувофиқ тўла давлат таъминотида бўлган студентларга ойига 50 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолар олган студентларга ойига 65 сўм, фақат аъло баҳолар олган студентларга эса 80 сўм миқдорида;

солиқ ҳарбий хизматчилардан бўлган, байналмилал бурчини бажариш чоғида олган жароҳати, контузияси, шикастланиши ёки касаллиги оқибатида ногирон бўлиб қолган студентларга ойига 180 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган студентларга ойига 195 сўм, фақат аъло баҳолар олган студентларга эса 210 сўм миқдорида;

тайёрлов бўлимларининг ўқувчиларига ойига 80 сўм миқдорида.

Олий ўқув юртларида запасдаги офицерлар дастури бўйича ҳарбий тайёргарликни ўтайдиган студентларнинг стипендияларига устамалар СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1990 йил 7 апрелдаги 330-сон ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 1990 йил 31 майдаги 225-сон қарорларига мувофиқ белгиланган стипендиялар миқдорларидан келиб чиққан ҳолда тўланади.

Ўрта махсус ўқув юртларида стипендиялар қуйидагича белгилансин:

дарсларни ўзлаштирувчи ўқувчиларга ойига 100 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 110 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса 125 сўм миқдорида;

етим ва ота-она қаровисиз қолган ўқувчиларга ойига 160 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 185 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса 210 сўм миқдорида;

етим болалардан ва ота-она қаровисиз қолган болалардан бўлган давлат таъминотида турувчи ўқувчиларга ойига 80 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 90 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса 105 сўм миқдорида;

СССР ҳукуматининг қарорларига мувофиқ тўла давлат таъминотида бўлган ўқувчиларга ойига 40 сўм, шу жумладан, фақат яхши,

шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 50 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса 65 сўм миқдорида;

солиқ ҳарбий хизматчилардан бўлган, байналмилал бурчини бажариш чоғида олган жароҳати, контузияси, шикастланиши ёки касаллиги оқибатида ногирон бўлиб қолган ўқувчиларга ойига 180 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 195 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса 210 сўм миқдорида.

Ҳунар-техника билим юртларида стипендиялар қуйидагича белгилансин:

таълим муддати 10 ойдан ошмайдиган барча турдаги ҳунар-техника билим юртларининг ўзлаштирувчи ўқувчиларига (қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, сув хўжалиги қурилиши ва ўрмон хўжалигида ишлаш учун тайёрланадиганларидан ташқари) ойига 80 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 90 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса ойига 100 сўм; ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда Улуғ Ватан урушининг I ва II гуруҳ ногиронларига тенглаштирилган шахсларнинг болалари бўлган ўқувчиларга ойига 90 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 100 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга 110 сўм миқдорида;

таълим муддати 10 ойдан кам бўлмаган, СССР ҳукуматининг қарорларига мувофиқ кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминланадиган барча турдаги ҳунар-техника билим юртларининг ўзлаштирувчи ўқувчиларига ойига 40 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 45 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса 50 сўм миқдорида;

оилали ўқувчиларга ойига 50 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 55 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса 60 сўм миқдорида;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ва Улуғ Ватан урушининг I ва II гуруҳ ногиронларига тенглаштирилган шахсларнинг болалари бўлган ўқувчиларга ойига 60 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 70 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса ойига 85 сўм миқдорида;

оилали ўқувчиларга ойига 70 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 80 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса 95 сўм миқдорида;

етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар бўлган, давлат таъминотида

турувчи ўқувчиларга ойига 80 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 90 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса 105 сўм миқдорида;

аспирантлар ва докторантларнинг амалдаги стипендиялари миқдори ойига 60 сўмга оширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, стипендияларнинг янги миқдорлари мазкур қарор билан аниқланмаган стипендия олувчи ўқувчи ёшларга қуйидагича компенсация тўланади:

олий ўқув юртларида — ойига 60 сўм ва ўрта махсус ўқув юртларида — ойига 55 сўм.

СССР Вазирлар Маҳкамаси ўзининг 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қарорига мувофиқ СССР ҳалқ таълими давлат қўмитасига, СССР меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат қўмитасига ССЖИ Молия вазирлиги билан биргаликда ёшларнинг юқорида кўрсатилган тоифалари стипендиялари миқдорлари тўғрисидаги таклифни тайёрлашни ва бир ой муддат ичида СССР Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилишни топширганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

ПЕНСИОНЕРЛАРГА, НОГИРОНЛАРГА ВА БОҚУВЧИСИНИ ЙУ ҚОТГАН ОИЛАЛАР НИНГ АЪЗОЛАРИГА

16. Нархларнинг ошиши-ни компенсациялаш учун ишламайдиган пенсионерларга кексалиги бўйича, белгиланган муддат хизмат қилганлиги учун, ногиронлиги бўйича, боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан бериладиган пенсиялар, ижтимоий пенсиялар, шунингдек, ишламайдиган пенсионерларнинг қарамонидида бўлган ва бошқа асослар бўйича компенсация олмайдиган меҳнатга яроқсиз оила аъзоларига устамалар ойига 65 сўмга оширилсин.

Ота-онасиз етим болаларнинг боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан пенсиялари юқоридаги миқдорга нисбатан икки барабар оширилсин.

Чакана нархларни ислоҳ қилиш муносабати билан ишловчи пенсионерларга компенсация тўловлари ишчилар ва хизматчилар учун белгиланган тартибда амалга оширилсин.

СССР Вазирлар Маҳкамаси кўрсатилган қарори билан СССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат қўмитасига, СССР Молия вазирлигига СССР умумий касаба уюшмалари конфедерацияси, СССР Мудофаа вазирлиги, СССР Ички ишлар вазирлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси иштирокида бир ой муддат ичида чакана нархларнинг ошишига бериладиган компенсация муносабати билан тариф ставкалари ва лавозим маошлари кўпайганлиги сабабли пенсия тайинлаш учун ўртача иш ҳақини ҳисоблаш тартиби, шунингдек компенсация тўловлари жорий қилинишини

(Давоми бешинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЧАКАНА НАРХЛАРНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ССЖ АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши учинчи,
тўртинчи бетларда)

ҳисобга олиб, ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахсларнинг пенсияларини ҳисоблаш тартиби тўғрисида таклифлар тақдим қилишни топширди.

17. ЎзССР ижтимоий таъминот вазирлиги ЎзССР Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий-маиший имтиёзларни, шу жумладан амалдаги қонунларда ногиронлар учун транспорт воситаларини сотиб олишда белгиланган имтиёзларни, шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийлари, бошқа тоифадаги фуқароларнинг транспорт воситаларини капитал ремонт қилишни амалга оширишга дахлдор бўлган сарф-харажатларни жумҳурият бюджетни маблағлари ҳисобидан компенсациялаш миқдорлари ва тартиби тўғрисидаги, шунингдек, тегишли органлар (ташкилотлар) ўртасида бу ҳисоб-китоблар билан боғлиқ тартиб тўғрисидаги масалани кўриб чиқсин.

18. Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталарига ижтимоий ёрдамнинг (шу жумладан, натурал ёрдам) турли хиллари — солиқ солишда имтиёзлар бериш, коммунал ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, имтиёзли шартларда ер участкалари, боғ уйлари ажратиш бериш, қийматини қисман қоплаган ҳолда ёки бепул озиқ-овқатлар ва санат моллари тўплами, айниқса, ногиронлар, пенсионерлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинмаган бошқа қатламлари учун бериш, ногиронлар ва қариялар учун мўлжалланган товарлар ва дори-дармонлар ҳақини тўлаш, бепул овқатлантириш, шаҳардаги ва шаҳар атрофидаги транспортдан фойдаланишда имтиёзлар бериш ва бошқа ёрдам турлари воситасида аҳолининг кам таъминланган қатламларига бериладиган пул компенсацияларини тўлдириш тавсия қилинсин.

ҲАРБИЙ

ХИЗМАТЧИЛАРГА

19. 1991 йил 1 майдан бошлаб ЎзССР Ички ишлар вазирлигининг оддий хизматчилари ва бошлиқлар таркибининг (республика бюджетидан маблағ билан таъминланадиган) лавозим маошлари миқдори ойига 60 сўм кўпайтирилсин.

Давлат чакана нархлари оширилган кундан бошлаб 1991 йилнинг 1 майгача бўлган даврда бу шахсларга пул компенсациясини тўлаш оқорида кўрсатилган миқдорлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

ЎзССР Ички ишлар вазирлиги системасининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркиби, ишчилари ва хизматчилари, пенсионерларининг озиқ-овқат, мол-буюм, тиббий таъминоти ва моддий таъминотнинг бошқа турларига харажатлар бу моддий таъминот турларига нархларни оширишни ком-

пенсациялаш даражасида кўпайтирилсин.

20. ЎзССР Ички ишлар вазирлигининг ишчилари ва хизматчиларига, ишламайдиган ва ишлайдиган пенсионерларига компенсация тўловлари халқ ҳўжалиги ҳодимлари ва пенсионерлар учун белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

21. ЎзССР Ички ишлар вазирлиги ЎзССР Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддат ичида ЎзССР Ички ишлар вазирлиги оддий хизматчилари ва бошлиқлар таркибининг пул таъминоти, ишчи ва хизматчиларининг иш ҳақини, ишламайдиган пенсионерларнинг пенсияларини кўпайтириш, шунингдек, бу тоифаларнинг болали оналарига нафақа тўлаш тўғрисида таклифларини тайёрласин ва Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Тақдим қилинган таклифларда компенсацияларни тўлаш тартиби, миқдори ва шартлари кўрсатилсин.

ИШ БИЛАН БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИГА

22. Янги чакана нархлар жорий этилиши ва уларга пул нафақалари тўланиши муносабати билан Ўзбекистон ССЖнинг иш билан банд бўлмаган аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонуни қабул қилингунга қадар иш билан таъминлаш органларида иш қидирувчи, меҳнат қилишга қобилиятли шахслар сифатида рўйхатга олинган ва бу органлар иш билан таъминлаш бўйича таклиф қилмаган вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳолига ҳар ойда 60 сўм миқдорида нафақа берилади. Кўрсатиб ўтилган нафақани тўлаш халқ депутатлари вилоят Совети Комиссиясининг рухсатидан кейин ариза берилгандан бошлаб вақтинча иш билан банд бўлмаган шахс ишга жойлаштирилгунгача, лекин 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга амалга оширилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталари иш билан вақтинча банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш ва пул нафақалари бериш, нафақа расмийлаштирилган даврда уларнинг шахсий ҳужжатлари сақланиши, зарур бланкаларни кўпайтириш, бу ишни зудлик билан амалга ошириш учун қўшимча ходимлар ажратиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни кўриб чиқсинлар ва ҳал этсинлар.

БОШҚА КОМПЕНСАЦИЯ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

23. ЎзССР Молия вазирлиги, ЎзССР Халқ таълими вазирлиги, ЎзССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЎзССР Маданият вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда шифохоналар, поликлиникалар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, мактаблар, болалар уйлари ва интернатларида, кексалар ва ногиронлар интернат уйла-

рида ҳамда жумҳурият ихтиёрида бўлган бошқа ташкилотларда овқатланишга, юмшоқ инвентарь ва кийим-кечак, маданий-маиший ва ҳўжалик ҳамда ўқув мақсадларидаги буюмлар сотиб олишга сарфланадиган пул нормаларини оширсин. Бу муассаса ва ташкилотлар амалга оширилган нормаларга мувофиқ ўз вақтида маблағ билан таъминлансин.

Жумҳурият ҳукуматининг қарорига мувофиқ умумий таълим мактабларининг бошланғич синфларида бепул нонушта беришни ташкил этиш ва ҳомилдор аёлларни, кам қонлик касаллигига учраган беморларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш сақлаб қолинсин.

24. Ахлоқ тузатиш меҳнат системаси муассасаларида жазо муддатини ўтаётган шахсларга тариф ставкалари ва лавозим окладлари ойига камида 60 сўм миқдорида кўпайтирилсин. Кўрсатиб ўтилган шахслар иш ҳақининг оширилиши суммасидан бу муассасаларни сақлашга сарфланадиган харажатларни қисман қоплаш учун маблағ ушлаб қолинмасин.

25. 1991 йилнинг 1 апрелидан жорий этиладиган «Ўзбекистон ССЖ Фуқароларидан, чет эл фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинмаган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунига кўра нарх-навоининг ошиши муносабати билан аҳолига бериладиган компенсация тўловлари фуқароларнинг даромадлари ва корхоналарнинг фойдасига солиқ солиш системаси томонидан олиб қўйилмаслигидан келиб чиқиб, фуқароларнинг солиқ солинмайдиган ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадлари миқдори ойига 160 сўмгача оширилди. ЎзССР Молия вазирлиги фуқароларнинг ойига 160 сўмдан ошадиган даромадларидан даромад солиғи олиш ставкалари миқдорларини камайтиришни ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг даромадларига солиқ солиш тартибини солиқ ставкасининг 13 фоиздан ортиқ прогрессив шкаласини даромадларнинг илгари белгиланган 700 сўмдан эмас, балки 1000 сўмдан ошган қисмига қўллаш, корхоналар ва ташкилотларнинг фойдасидан 35 фоизгача солиқ ставкасини табақалаштириб пасайтириш, шунингдек, корхонанинг асосий фаолиятида иш билан банд бўлган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақининг маҳсулот таннархига тегишли бўлган энг оқори даражасини 480 сўмгача ошириш ҳақида Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига таклиф тайёрласин ва киритсин.

26. Белгилаб қўйилсинки, оғир табиий иқлим шароитларида яшаганлик учун иш ҳақига коэффициент қўйиш қўлланиладиган районлар ва жойларда ушбу қарорга мувофиқ оширилган стипендиялар, пенсиялар, нафақалар ноинлаб чиқариш тармоқлари ходимлари учун қўлланиладиган коэффициентлар ҳисобга олган ҳолда тўланади.

27. Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси аҳолига компенсация тўловлари бериш тадбирларини амалга оширишда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг турмушга қатъий жорий этилишини, эҳтимол тутилган сунистеъмолларнинг ўз вақтида олдини олишни таъминласинлар.

28. Чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан бевосита ҳисоб-китоблар ва компенсация маблағлари беришни амалга оширувчи банк муассасалари ва алоқа корхоналари, социал таъминот органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш иш вақтининг белгиланган дан ортиқча давом этиши ва байрам кунлари ишлаганлик учун Ўзбекистон ССЖнинг меҳнат қонунлари кодексининг 76 ва 109-моддаларига мувофиқ амалга оширилсин.

29. Ўзбекистон ССЖ Меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат қўмитаси ЎзССР Адлия вазирлиги ва ЎзССР Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон ССЖ ҳукуматининг қарорларини ушбу қарорга мувофиқ келтириш тўғрисидаги таклифларни бир ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

30. Ўзбекистон ССЖ Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон ССЖ Молия вазирлиги ЎзССР Давлат нархлар қўмитаси билан биргаликда ЎзССР Давлат банки, ЎзССР Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюмлари федерацияси кенгашини жалб қилган ҳолда икки ҳафта муддат ичида аҳолига компенсация тўловлари бериш ҳисоб-китоби системасини ишлаб чиқсинлар ҳамда у ҳақдаги ахборотни тўплашни ташкил этсинлар.

Жумҳурият ҳудудида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар, муассасалар ва ҳўжаликларга, қайси идорага бўйсунилари ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, статистика ҳисоботининг белгиланган шаклдан ортиқча зарур ахборотни бериш мажбурияти юклатилсин.

31. ЎзССР Молия вазирлиги бир ой муддат ичида жумҳуриятнинг 1991 йилги даромадлари ва харажатлари бюджетини аниқлаштириш юзасидан таклифларни Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

32. Паст рентабелли ва режалар зарар кўрувчи корхоналар, ташкилотлар ва ҳўжаликлар ходимларига компенсация тўлаш нарх-навоини ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича тадбирларни амалга оширувчи ноҳия, шаҳар, вилоят комиссиялари қарорлари асосида янги чакана нархлар жорий этилиши натижаларидан келиб чиқиб компенсация тўлаш харажатлари ва уларни қоплаш манбалари кейинчалик аниқлаштирилган ҳолда ЎзССР Молия вазирлигининг қафолати билан банк муассасалари томонидан процентсиз мақсадли кредитлар бериш ҳисобидан амалга оширилади.

33. Ўзбекистон ССЖ нарх-наво ислохоти ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни тайёрлаш ва амалга ошириш жумҳурият комиссияси, Ўзбекистон ССЖ Давлат нархлар қўмитаси, Ўзбекистон ССЖ Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси,

Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитаси ва ЎзССР Молия вазирлиги зарур қолларда ушбу қарорни қўллаш тартиби тўғрисида тушунтиришлар берсинлар.

34. Оммавий ахборот органлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталари, вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва бирлашмалар чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган тадбирлар, компенсация ва нафақаларни бериш шакллари ва муддатлари тўғрисида аҳолининг кенг қатламлари ўртасида доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борсинлар.

35. ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қароридида қўйиладиган кўзда тутилганлиги маълумот ва амал қилиш учун қабул қилинсин:

Барча жумҳуриятлардаги аҳолини, шунингдек ҳарбий хизматчиларни ва Иттифоқ бюджетни ҳисобидан даромад олувчи барча фуқароларни белгиланган энг кам компенсация тўловлари билан таъминлаш учун чакана нархларнинг оширилишидан олинган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ягона иттифоқ — жумҳурият молия фонди ташкил қилинди. ССЖИ Молия вазирлигига, ССЖИ Давлат план қўмитасига, ССЖИ Давлат нархлар қўмитаси ва ССЖИ Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасига жумҳуриятлар ҳукуматлари билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида шу фонд маблағларининг ҳажмлари ҳамда уларни ҳосил қилиш ва сарфлаш тартиби ҳақида таклиф киритиш топширилди.

Барча пенсиялар ва нафақалар миқдорининг ошиши муносабати билан ССЖИ Молия вазирлигига ССЖИ пенсия фонди ва ССЖИ ижтимоий сугурта фонди билан биргаликда бу фондларга кўрсатиб ўтилган мақсадларга қўшимча харажатларнинг ўрнини тўлдириш тартибини белгилаш топширилди.

ССЖИ Олий Кенгаши томонидан энг кам иш ҳақининг янги даражасини белгилаш ҳақида қонун ҳужжатлари қабул қилингунга, меҳнатга ҳақ тўлаш ислоҳ қилингунга ҳамда 1992 йилга корхона маъмурияти билан касаба уюмлари (ёки меҳнат жамоаси томонидан вакил қилинган бошқа орган билан) тариф шартномалари тузилгунга қадар ССЖИ ҳукумати ёки унинг топшириғи билан бошқа органнинг қарори билан тасдиқланган ҳамда ушбу қарорнинг 5-пунктига мувофиқ 60 сўмга ошган тариф ставкалари ва лавозим окладлари меҳнат қонуни томонидан белгиланган иш вақтининг давом этишига ривож қилинган ва ходим томонидан меҳнат мажбуриятлари (меҳнат нормалари) бажарилган тақдирда аниқ касб-малака гуруҳлари учун меҳнат ҳақи энг кам даражасининг давлат кафолотлари ҳисобланиши белгиланди;

(Давоми олтинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЧАКАНА НАРХЛАРНИНГ ИСЛОХ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ССЖ АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши учинчи, тўртинчи, бешинчи бетларда)

Иш билан таъминлаш имконияти мавжуд бўлмаган чекка гарнизонлар ва жойлардаги ҳарбий хизматчиларнинг ички ишлар органлари оддий ва бошқалар таркибининг ишламайдиган хотинларига компенсация тўловлари жорий этилди (ҳарбий қисмларни, ички ишлар органлари муассасаларини чекка гарнизонлар ва жойларда ўрнашган деб ҳисоблашнинг тартиби ва шартлари ССЖИ Мудофаа вазирлиги, ССЖИ Ички ишлар вазирлиги ва

ССЖИ Давлат хавфсизлиги қўмитаси томонидан ССЖИ Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ва ССЖИ Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади).

Кўрсатиб ўтилган шахсларнинг ишламайдиган хотинларига компенсация тўловлари эри хизмат қилаётган жойдан ойига 60 сўм миқдориде берилади.

ССЖИ Давлат банки ва ССЖИ Жамғармалар банки томонидан ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда 1991 йил 1 мартдаги ҳолатига кўра омонат-

лар ва сертификатлар эгаларига, ССЖИ. Молия вазирлиги томонидан эса аҳоли ўртасида тарқатиладиган давлат қимматбаҳо қорозлари эгаларига чакана нархларнинг бир вақтда ошиши муносабати билан кўриладиган зарарларнинг компенсациясини бериш тадбирлари амалга оширилади.

36. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Кам таъминланган болаи оилаларга моддий ёрдам беришни янада кўпайтириш тўғрисида» 1974 йил 12 сентябрда-

ги 748-сон қарори юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1974 йил 12 октябрдаги 473-сон қарори ҳамда СССР Министрлар Советининг «Айрим нафақаларни тайинлаш ва уларни бериш тартиби ва болалари бўлган оилаларга давлат ёрдами бериш тўғрисидаги СССР ҳукумати қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1990 йил 24 ноябрдаги 1177-сон қарори юзасидан Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 1990 йил 29 декабрдаги 394-сон қарори билан тасдиқланган ҳамда болалик оилаларга давлат ёрдами бериш ҳақида Ўзбекистон ССЖ ҳукумати қарорига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг 2-пункти ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

37. Ушбу қарорнинг ба-жарилишини назорат қилиш Ўзбекистон ССЖ Вице-президенти ўртоқ Ш. Р. Мирсандов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси

И. КАРИМОВ.

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ТАШВИШИ

Иттифоқ парламентига гуркираб турган ҳаёт нафаси тўла маънода уфуриб киргандек бўлди. Бу ерда 25 март куни мамлакат деҳқончилик-саноат комплексида юзага келган вазиятдан ташвишланган халқ депутатларининг сўровлари муносабати билан қишлоқ хўжалигидаги аҳвол муҳокама қилинди.

СССР Олий Кенгаши сессиясининг эрталабки мажлиси СССР Бош вазирининг ўринбосари Ф. П. Сеньконинг ахбороти билан бошланди. У ҳукуматнинг қишлоқ олдиде турган ҳозирги муаммоларга нисбатан фикрини баён этди ва баҳорги дала ишларига тайёргарлик кўриш борасидаги долзарб тадбирлар тўғрисида гапириб берди. Тўғрисида қийин ва ташвишли эканини айтди. Кескинлашган сиёсий вазият билан иқтисодий аҳвол ўртасида узвий алоқа бор, деди у. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ аҳвол энг танг соҳаларимиздан биридир.

Ҳақиқатан ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш беш миллиард сўмликдан кўпроқ камайди. Бундай воқеа кейинги йилларда биринчи марта рўй берди. Табиийки, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам пасайиб кетди. Нотиқнинг таъкидлашича, баъзи кишилар бундай аҳволдан ўз сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланишга уринмоқдалар, барча қийинчиликларни Иттифоқ идоралари гарданига ағдармоқда. Қандай бўлмасин, қишлоқ иш ташлагани йўқ. Митинглар ўтказмаяпти. У ўз куч-ғайратини асосий муаммо — одамларнинг қорнини тўйдириш муаммосини ҳал этишга сарфламоқда.

Нотиқ қишлоқларда рўй бераётган салбий жараёнларнинг чуқур сабабларига батафсил тўхталди. Бунинг асосий сабаби, деди у, деҳқончилик соҳасини моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш ёмонлашиб бораётгани, «хўжалик корхоналарининг» зўравонлиги кучаяётгани, хўжалик алоқаларининг узилиши, тобора кўпроқ намоён бўлаётган маҳаллий тамойиллар, маҳсулот етказиб бериш интизомининг пасайиши, шунингдек меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг шаҳар-

ларга доимий равишда кетиб қолаётганидир. Мана сизга қизиқ бир мисол: ўтган йили қишлоқ меҳнаткашларига етти миллиард сўмликдан кўпроқ моддий-техника ресурслари етказиб берилмади. Айниқса, бинокорлик материаллари етказиб беришдаги аҳвол қоникарсиз бўлиб қолмоқда.

Ҳукумат вазирликлари ҳамда идораларнинг, барча корхоналарнинг қишлоқ хўжалигига нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш вазифасини ўзининг асосий амалий фаолияти деб билмоқда. Деҳқончилик соҳасида қабул қилинган ҳужжатлар мажмуини тўла рўёбга чиқариш муҳимдир. Айни вақтда Ф. П. Сенько бу масалани ҳал этиш марказига, шунингдек жойлардаги ишларга боғлиқ эканини таъкидлади.

Ғалла муаммоси ҳали ҳам марказнинг диққат эътиборида турибди. Ҳукумат вакили яқин вақт ичида «Ғалла» Бутуниттифоқ дастурини кўриб чиқиш режалаштирилгани тўғрисида хабар берди.

Деҳқончилик-саноат комплексини ривожлантиришнинг асосий жиҳатларига тўхталган нотиқ қишлоқнинг ўзи барча муаммоларни ҳал эта олмаслигини ўқтирди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасида кўп жиҳатдан бузилган алоқаларни йўлга қўйиш керак. Қишлоқни ижтимоий қайта қуришга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу вазифа анча илгари ўртага қўйилган эди, лекин ҳозирга қадар бу борада қатъий ҳаракат қилингани йўқ. Нотиқ қишлоқда мулкни хусусийлаштириш тўғрисидаги масалага пухта ўйлаб ёндашишга чақирди. Айни вақтда жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари билан бир қаторда хўжалик юртишнинг янги шакллари вужудга келтириш зарур ва самарали жараён эканлигини ҳам айтди.

Бош вазир ўринбосари ўзи берган ахборотда ва депутатларнинг саволларига қайтарган жавобларида янги ҳукумат қишлоқ хўжалигини техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда қайта ишловчи тармоқларни реконструкциялаш ишини жиддий ўнглаш ниятида эканини таъкидлади.

(ТАСС)

• Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

ЧАКАНА НАРХЛАРНИНГ БИР ЙЎЛА ОШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖАМҒАРМАЛАР ҚАДРСИЗЛАНИШИДАН ЗАРАРНИ АҲОЛИГА ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДА

Чакана нархларнинг бир йўла оширилиши муносабати билан жамғармаларнинг қадрсизланишидан аҳоли кўрадиган зарарни тўлаш мақсадида қарор қиламан:

1. Аҳолининг СССР Давлат банкидаги ва СССР Жамғарма банкидаги пулларини, шунингдек СССР Жамғарма банки сертификатлари, СССР давлат хазина мажбуриятлари ва 1982 йилги давлат ички ютуқли заёми облигациялари тусида сақлаётган маблағларини бир йўла қайта баҳолаш тўғрисида СССР Вазирлар Маҳкамаси билан СССР Давлат банкининг таклифи қабул қилинсин. Аҳолининг жамғармалардан фойдаланиш мақсадлари асосий йўналишларидан келиб чиқиб ҳамда айрим моллар ва хизматларга нархлар индексини ҳисобга олиб, жамғармалар миқдорининг қўйилган омонат қолдиғи ҳамда қимматли қорозларнинг унда кўрсатилган қиймати 40 фойз оширилсин.

2. Компенсация омонатларининг ҳамма турлари бўйича уларнинг 1991 йил 1 мартдаги қолдиғига қараб, СССР Давлат банки ва СССР Жамғарма банки белгилаб берадиган тартибда тўланади.

Омонатларнинг 200 сўмгача бўлган қолдиқлари компенсация тўловлари миқдориде кўпайтирилади ва шу пулдан 1991 йил 1 июлдан кейин фойдаланиш ҳуқуқи берилади. 200 сўмдан ортиқ омонатларни қайта баҳолаш пули жамғарма эгалари шу пулдан уч йил ўтгандан кейин фойдаланиш ҳуқуқи билан махсус ҳисоб варақасига ўтказилади. Махсус ҳисоб варақалардаги маблағларга даромад амалдаги йилга 7 фойз музд асосида тўланади.

3. СССР Давлат банки билан СССР Жамғарма банки фуқароларнинг айрим ҳолларда уч йиллик муддат ўтмасдан олдин махсус ҳисоб варақаларига ўтказилган маблағдан қиммат молларни нақд пулсиз харид қилиш ва уй-жой сотиб олиш учун фойдаланиш тартибини белгилаб берсин.

4. Фуқароларнинг 1991 йил 1 мартгача сотиб олган СССР Жамғарма банки сертификатларига ва СССР давлат хазина мажбуриятларига компенсация улар со-

тилган муддат тугагандан сўнг ёки 1994 йил 1 мартдан кейин тўлансин.

5. СССР Молия вазирлиги, СССР Давлат банки ва СССР Жамғарма банки:

1982 йилги давлат ички ютуқли заёми облигацияларини уларда кўрсатилган қийматини 40 фойз оширишни ҳисобга олиб сотиш ва сотиб олиш тартибини;

1993 йилда 1990 йилги аниқ мақсадларга мўлжалланган муздсиз давлат заёмлари облигацияларининг эгаларига улар товарни олишдан воз кечган тақдирда компенсация тўлаш тартибини белгиласин.

6. СССР Президентининг «1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик СССР Давлат банки пулларини тўловга қабул қилишни тўхтатиш ва фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришни чеклаб қўйиш тўғрисида»ги 1991 йил 22 январдаги Фармонида белгилаб қўйилган фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришнинг чекланиши бекор қилинсин.

Совет Социалистик Республикалари
Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 22 март.

КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАШ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсандов раислигида чакана нархларнинг ислох қилиниши муносабати билан республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш республика комиссияси тузилди. 24 март куни мазкур комиссия ўзининг дастлабки мажлисини ўтказди. Унда аҳолига компенсация тўлаш юзасидан жойларда олиб борилаётган ишлар таҳлил

қилинди, республиканинг шу иш билан бевосита боғлиқ бўлган бир қатор идоралари, жумладан, Алоқа вазирлиги, банк муассасалари раҳбарларининг қисқача ахбороти тингланди.

Мажлисида идора ва ташкилотлар аҳолига компенсация тўлаш ишларини жадаллаштиришлари, айниқса алоқа, почта, банк муассасаларининг тез ва пухта ишлаши зарурлиги, бу ишга жуда катта ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга молик тадбир деб қаралиши ло-

зимлиги, одамлар тегишли компенсацияни ўз вақтида олишлари учун ҳамма зарур тадбирлар кўрилиши кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Комиссия мажлисида махсус матбуот марказини тузишга қарор қилинди. Бу марказ аҳолига компенсация тўлаш ишлари жойларда қандай олиб борилаётганлиги хусусида телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали халққа мунтазам маълумот бериб боради.

(ЎзТАГ)

НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ

БАЙРАМ ДАВОМ ЭТАДИ

Мана, халқ шодиёнаси, қаҳқаҳаси яна қулоқларни қоматга келтирмоқда. Икки йилдирки, Наврўзни миллий эътиқодимиз талқинича кутиб олаёмиз.

Байрам арафасида Тошкент вилоят ИИБ, унинг шаҳар ва туман бўлиmlарига жуда муҳим вазифа — унинг тинч ўтишини таъминлаш топширилди. Милиция ходимлари осойишталикни сақлаш билан бирга байрам тантаналарининг гувоҳи ҳам бўлдилар.

Паркент туманида Наврўзга тайёргарлик бир ой илгари бошлаб юборилди. Байрам ташкилий, қўмитаси ночор оилалар, ногиронлар, байналмилалчи жангчиларни аниқлаб, уларга баҳоли қудрат маблағ ажратди. «Наврўз» деб номланган жамғармага турли корхона ва ташкилотлар ўз улушларини қўшишди. Ушбу кутлуғ кунда туман кексалари халқ билан биргаликда сумалак, ҳалим сингари тансик таомларни тайёрлашда иштирок этдилар. Шу билан биргаликда раққосалар, ҳофизлар, аскиячилар масхарабозларнинг чиқишларини мароқ билан томоша қилдилар. Кийим-кечак тикиш, миллий таомларни, қандолат маҳсулотларини тайёр-

лаш бўйича ўтказилган танлов ғолиблари ҳам Наврўз совғаларидан бебаҳра қолмадилар. 4 километр масофага югуриш мусобақаси байрам шодиёнасини давом эттирди. Шундан сўнг қарнай-сурнай садолари тантана тафтини шаҳар маҳаллаларига, кўчаларига олиб кетди.

«Прогресс» шўро хўжалигининг Самсарак участкасида эса халқ севган улоқ уюштирилди.

Кун охирида Сўқоқ, Заркент, Чанги, Ҳисарак, Намданак, Қорақалпоқ қишлоқларида ҳам бу каби тадбирларнинг аъло даражада ўтгани ҳақида хабарлар келди.

Кўплаб миллат вакиллари иштирокида ўтган тантаналар «Хайрия» пул-буюм лотереяси ўйинлари билан якунланди.

Паркент тумани «Наврўз» жамғармасига шу кун 1141 сўм маблағ тушгани ҳам қувонарлиқдир. Вилоятимизнинг Пскент шаҳрида ҳам бу тантана ўзгача нишонланди. Куннинг бир оз совуқлигига қарамай, қалбларда байрам руҳи. Шаҳарнинг Охунбобоев номли истироҳат боғига ҳар бир хўжалик катта тайёргарлик билан таширф буюрган.

Туман шўроси раиси Т. Холбоев, Президентлик Кенга-

ши вакили, шарқшунослик фанлари номзоди А. Ҳасановларнинг табригидан сўнг ош ва сумалаклар дастурхонга тортилди. Мусиқа садолари авж олиб, даврада рақсга тортиш бошланди.

Туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Омонкул Турғунбоевни «Пскент» шўро хўжалиги оқсоқоллари ўраб олиб рақсга тортидилар. Нураган «Ҳаста Бузрук» мачитини таъмирлаш ишига 1135 сўм хайрия пули йиғилди. Наврўз тантаналари Янгийул туманида қозоқ миллий маркази билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда қозоқча тўй удумлари, улоқ ва танловлар уюштирилди. Келес шаҳрига эса қўшни Сарноғоч туманидан меҳмонлар келишди.

Тўйтепада «Оқсоқол» чойхонасида бир неча маҳалла бирлашиб шод-хуррамлик билан байрамни нишонлади.

Янгиободда «Келинлар баҳси», «Иқбол» танловлари, «Ассалом, Наврўз!» деб номланган театрлаштирилган байрам сайли ўтказилди. Ғалаба туманининг Собир Раҳимов номли маданият ва истироҳат боғига йиғилганларни жумҳурият ёзуви ва шоирларининг, шу боғ цирки усталарининг чиқишлари хушнуд этди. Бек-

ободликлар ҳузурига қўшни Тожикистондан меҳмонлар таширф буюрдилар.

Чирчиқдаги шодиёналарда «Резонанс», «Шодлик», «Ҳайтарма», «Гулдаста», «Наврўз», «Мелодия» каби бадий жамоаларнинг чиқиши миллатлараро дўстлиқнинг ёрқин намунаси бўлди.

Қибрай ўйингоҳига таширф буюришган Чимкентнинг Сайрам тумани дорбозлари, қўшни жумҳурият қўғирчоқ театри, «Қилчоқ», «Айтис» жамоаларининг чиқишлари байрам иштирокчиларига ўзгача қувонч бахш этди.

Наврўз айёми кун ғилоятимиздаги оператив вазият бир мунча яхшиланди. Бу кун барча имонли, дийнатли кишилар бир-бирларининг кайфиятларини бузмасликка ҳаракат қилгани Наврўзнинг нақадар улғў тантана эканлигига ишорадир.

Бирок шўйга қарамай, ушбу кутлуғ кунда оғир тан жароҳати етказиш, шахсий мулкни ўғирлаш, йўл-транспорти ҳодисаси рўй берганлиги ачинарлидир.

Вилоятда байрам тантаналари давом этмоқда. Милиция ходимлари эса ҳар доимгидек халқ осойишталиги йўлида сергак.

Усмон ВАЛИҚУЛОВ,
ички хизмат полковниги.
Миркарим МИРСОВУРОВ,
ички хизмат майори.

БЕҲАЛОВАТ ДАМЛАРНИ УНУТИБ

— Табиатни қаранг, кечагина дилни хуфтон қилиб ёмғир ёғаётганди...

— Нимасини айтасиз, ахир табиатнинг ўзи ато этган табаррук кун-ку бугун.


Байрам кун ғрта тонгда ишхонага келарканман, шунга ўхшаш ўзаро гурунларни такрор-такрор эшитдим.

Ички ишлар вазирлиги биносининг мўъжазгина ҳовлисидаги чиройли безатилган столлар, сумалак тортилган дастурхон атрофида сўзлашиб-қулишайётган ходимларнинг хуш-хандон кайфияти бугунги шодиёнанинг ажойиб ибтидосидан дарак берарди.

Кўп ўтмай байрам ташиклотчиларининг таклифи билан турли хил спорт мусобақалари бошланди. Аввало қизиқарли, томошабоп беллашув — арқон тортишга навбат берилди. Тарафларнинг қизгин олқишларида ўтган бу тортишувда МРУ ходимларининг қўллари баланд келди. Иккинчи, учинчи ўринларни ДАНБ ва УВХСС командалари бўлишиб олдилар.

Кейин гиламда спортнинг миллий кураш тури бўйича кимнинг белбоғи «маҳкам»лиги синаб кўрилди. Қий-қириқ ва чапаклар садосида энг кучли полвонлик шоҳсупасига кадрлар бошқармаси ходими Раҳмонали Турсуналиев кўтарилди. Жиноят қидирув бошқармаси вакили Дорошин иккинчи, хўжалик бошқармаси шарафни ҳимоя қилган Ешжонов учинчи погонани эгаллади.

Тош кўтариш бўйича беллашувда эса аввалига 40 ёшгача, сўнг 40 ёшдан ошган кишилар ўртасида кураш бошланди. Ҳар бир бошқарма ўз ходими учун жон қўйтар, унга қандайдир мадад беришга ҳаракат қиларди. Натижада 40 ёшгача бўлганлар орасида алоҳида бўлилма шайни учун курашган Д. Абдурахмоновнинг тенги топилмади. Ёнгиндан



сақлаш бошқармаси ходимлари С. Волков ва Икромовлар кейинги ўринларни эгалладилар.

40 ёшдан юқори «қариялар»имизни барча томошабинлар баҳамжиҳатлик билан қўллаб турдилар. Беллашув ниҳояси натижасига кўра биринчи ўрин вазирлик бошқармаси бошлиғи М. Ива-

новга тегди. Иккинчисини шу бошқарма ходими С. Қозлов «банд» қилди. Фахрли учинчи ўрин алоҳида бўлима ходими Баротовга насиб этди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Ҳа, ҳамкасблар бу кун одатий, гоҳида беҳаловатли юмушларини бир дам унутиб, Наврўз айёмининг шо-



ду хуррамлик билан ўтказишди.

Орадан бир неча кун ўтди. ИИБда ҳамон байрамона кайфият ҳукмрон.

Эркин САТТОРОВ,
СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.

Ҳабибулла ШОДИЕВ
олган сураатлар.

ЭГАСИНИ ТОПДИ

Пойтахтимизга таширф буюрувчи минглаб меҳмонлар шаҳримизни, юртимизни тарқатишар экан, энг илиқ хотиралар уларнинг мангу ҳамроҳига айланади.

Аммо Польша фуқароси Владислав Котлинский юртимизни ўзгача таассуротлар билан ёдга олиши шубҳасиз. Чунки, у шаҳримизни айланиб, «Чорсу» меҳмонхонасидаги ўз хонасига қайтиб кирди-ю, ёйилган буюмларини кўриб кўнгли хира тортиди. Тезда ўзига тегишли 9840 АҚШ доллар ва 500 минг Польша злотийларининг ўғирланганлиги ҳақида меҳмонхона маъмуриятини хабардор қилди.

Октябрь тумани ИИБ участка вакили милиция капитани У. Салимов, йўл назорати инспектори милиция сержантлари Э. Бойназаров ва Д. Назаровлардан иборат оператив-тергов гуруҳига катта терговчи милиция катта лейтенанти А. Мирзакаримов раҳбарлик қилди. Улар учун бу нафақат хизмат бурчи, балки юртимиз, миллатимиз шайни ҳимоя қилиш синови бўлди.

Жиноят изи уларни Тошкент қўналғаси томон етаклади.

«Тошкент-Москва» тайёрасига чипта олиб, учишга, аниқроғи қочиб кетишга тараддуллаётган, 1969 йил Ереван шаҳрида туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Андрианик Диланьян атрофга олазarak кўз югуртиради, тоқатсизланарди. Милиция ходимларининг қандай ёнида пайдо бўлиб қолганини сезмай ҳам қолди. Ўғирланган ашёларни унинг ёнидан чиқиши оператив гуруҳ вакиллари ажаблантирмади. Пуллар эгасига қайтарилди.

Туман ИИБ навбатчи қисмига шу ҳудудда яшовчи фуқаро Р. Раҳимовдан «ВАЗ-2107» белгили автомашинаси ўғирлаб кетилгани ҳақида хабар олган навбатчи милиция майори С. Зеленский оператив гуруҳни оёққа турғазди. Жиноят қидирув бўлини маси инспектори милиция катта лейтенанти Б. Шукуров, терговчи милиция лейтенанти Б. Хўжаев, участка вакили милиция капитани У. Салимов, милиция катта лейтенанти Б. Ҳайдаров, йўл назорати инспекторлари милиция сержантлари Э. Бойназаров, Д. Назаров, кўнглили ёрдамчи С. Темировлар Исаакян кўчасини кузатиб бораётиб, қоронғиликда енгил автомашинанинг қисмларини ечаётган бир гуруҳ йигитларга дуч келишди. Аниқланишча, бу йигитларнинг иккитаси ҳеч қаерда ишламайдиган, 1966 йилда туғилган А. Ю. ва 1972 йилда туғилган Д. И. экан. Муқаддам судланган, 1965 йилда туғилган Ж. Ш. ва оёқ кийими ширкати сотувчиси, 1972 йилда туғилган И. С. лар биргалашиб, мўмай даромад орттириш илинжида бу нопок ишга қўл уришибди.

Бу икки жиноятни излар соғумасдан очишга муваффақ бўлган бир гуруҳ милиция ходимлари моддий ва маънавий рағбатлантириш учун шаҳар ИИБ раҳбариятига тавсия қилиндилар.

А. ШОДИЕВ,
милиция майори.

ПАЛИД

Ўтмишда қўшни аёлга тик боққан нобакор эл назаридан бир ўмрга қолган. Шу йил 22 март кун ғ бухоролик такси ҳайдовчиси 41 ёшли Н. Илҳом ўз қизларига нисбатан содир этган палидлиги учун бугун не жазога лойиқ экан! Биз адолат тарозиси деб сажда қиладиган суд қабохатга яраша ҳукм чиқара олармикан!?

У маст ҳолатда 16 ёшли Инобат ва 9 ёшли Мукаррамни зўрлаб, номусига тегди. Маълум сабабларга кўра жабрдидалар ва ота аталмиш муртадининг исм-шарифини ўзгартириб бермоқдамиз.

Ғ. ЖУРАЕВ.

ОШПАЗ
ДУСТИМ

Бир дўстимни шахримиздаги ошхоналардан бирида ошпазлик қилаётганини кўриб хайрон бўлдим. Қўлидан сузиб берган ошни олиб тамадди қилиб турсам, бир чойнак чойни кўтариб ёнимга келди.

— Қандай қилиб бу ерга келиб қолдинг? Яхшигина тепловоз машинисти бўлиб ишлаб юривдинг-ку... Янглишмасам, мошининг ҳам яхшигина эди. Тинчликми?— дейман ҳайратланиб.

— Тинчликка тинчликку-я, гап бошқа ёқда,— дейди тиржайиб.

— Қаёқда?

— Э, хотинни уйига қўйиб келганмиз. Алимент тўлаяпман. Қанча олса маошдан олаверсин, чўнтагимга тушаётган «левий»ларга ҳам мана бундоқ яшаса бўлади,— дея қўли билан бўйнига чиқиқ тортди.

— Чакки қилибсанда. Олаётган бўлса, сенинг болаларингга сарф қилади-ку. Ахир, улар сенинг ҳам фарзандларинг-ку!

Орадан анча вақт ўтди. Яхшиямки, қўни-қўшнлар ўртага тушиб уларни яраштириб қўйдик. Мана ҳозир гулдек оила.

Лекин турмушнинг арзимас икир-чикирига дош беролмай озмунча оилалар тўзиб кетаяптими! Менимча, агар оилада ўзаро ҳурмат, бир-бирларини тушунишга интилиш бўлса, бу кўнгилсизликлар юз бермайди. Яна айтмоқчиманки, ҳаётини тажрибага эга кекса онахонларимиз-отахонларимизнинг ҳам бу борада аралашуви мақсадга мувофиқдир.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

1990 йилнинг 2 апрель кунини Ремзи Смедлаев шундай хат олди: «Салом итдан тарқаган, хароми Ремзи, болангни ахтариб, қидириб бўлдингми? Болангни қайта кўриш умидинг бўлса, икки шартни бажарасан: биринчи шарт шу схемада кўрсатилган жойга 60000 сўм пул қўйиб келасан. Пулни 1990 йилнинг 3 апрель кунини олиб бориб қўй, орқандан дум қолдирма. Агар тинчроқ юриб, болангни кўрай десанг, мана шу хатни ёқиб юбориб, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмайсан. Мана шу шартни бажарсанг, иккинчи шартни кейин оласан. Яна бир нарсаси, пулнининг номерини ёзиш ҳаёлингга ҳам келмасин. Шу билан биринчи мактуб тугади. Халқ қасоскорлари».

Ремзи бу хатни ўқиб, бўлари бўлди. Демак ўғлини қандайдир «халқ қасоскорлари» деб номланган жиноятчи гуруҳ ўғирлаган. Ишқилиб тирикмикан? Жигарбанди Эрнестни бағрига босиб унга ва турмуш ўртоғи Ойша Каримовага насиб этармикан?

У шундай хаёллар билан бир зум туриб қолди. Нима қилиш керак? «Халқ қасоскорлари»нинг шартини бажарсинми? Олтмиш минг сўмни қаердан топади? Қариндош-уруғ, қўни-қўшнлардан қарзга олди ҳам дейлик, қачон узайди? Милицияга қўнғироқ қилса-чи?

Бирор иш чиқармикан? Жиноятчилар милицияга хабар берганини сезиб қолишса, ўғлига бирор кор-ҳол бўлмасмикан?

У ўйлай-ўйлай милицияга боришга аҳд қилди. Шу куниниёқ Шахрисабз шаҳар ички ишлар бўлими оёққа турди. Оператив гуруҳ тузилиб, «хат» эгаларини ушлаш режаси ишлаб чиқилди...

1990 йилнинг 3 апрель

куни Ремзи Смедлаев минган машина Жўра Элбоев номидаги жамоа-хўжалиги насос станцияси олдида тўхтади. У рўзномага ўралган пуллари хатда кўрсатилган жойга қўйиб, ортига қайтди.

Эртаси кунини эрталаб уни милицияга чақириб, товламачи ушланганини айтишди. Ремзи ички ишлар бўлимига бориб, хайратдан қотиб қолди. Кўзларига ишонмади. Товламачи ўз қўшини Эргаш Сафаров эди.

ҚАБИХЛИК

Эргаш Сафаров ҳақида икки оғиз сўз: у 1960 йилнинг 10 май кунини Китоб туманидаги Оёқчи қишлоғида туғилган. Учта фарзанди бор. Қоровул бўлиб ишларди.

Шундай қилиб, товламачи қўлга тушди. Аммо ҳали асосий иш ҳал бўлмаганди. 1990 йилнинг 19 мартидан буён қидирилаётган Эрнест Смедлаевни топиш зарур эди. Унинг қаердалигини эса Эргаш Сафаров билиши мумкин. Мумкингина эмас, аниқ билиши керак. Ахир, йўқолган бола учун у 60000 сўм пул сўраган-ку!

Тергов ишлари бошлаб юборилди. Э. Сафаров бола қаердалигини билмаслигини, унинг йўқолиб қолганидан фойдаланиб, пул ишлаб олмоқчи бўлганини айтди. Тўққиз кун давомида у шундай ёлгон кўрсатма бериб келди ва ниҳоят 28 апрель кунини ўз айбига иқдор бўлди. Милиционерларни уйига бошлаб борди. Болани

бўғиб ўлдириб, ифлос сувларни тўкиш учун мўлжалланган чуқурга кўмиб ташлаганини айтди. Чуқур текшириб кўрилганда, у ердан мурда топилди.

Сўроқ пайтида аниқланишича, Эргаш Сафаров 1990 йилнинг 18 март кунини кечаси Абдулла Қаҳҳор номидаги мактабда қоровуллик қилиб, 19 март кунини уйига келади. Болалари боғчага, турмуш ўртоғи Гулфия Сафарова поликлиникага кетади. У озгина дам олиб, тушга яқин кўчага чиқади.

Йўлнинг бир четиди писта чақиб ўтирган тўққиз ёшли Эрнестни кўриб қолади. Унинг отаси бир неча йиллардан буён Китоб туманларо савдо базасида ишлаб келарди. Эргашнинг хаёлига бирдан ёмон фикрлар урилади. Пича пул ишлаб олмоқчи бўлади. Эрнестни алдаб чақириб, ҳовлисига олиб киради ва бўғиб ўлдиради...

Шундан сўнг беш-ўн кун вазиятни кузатади. Ниҳоят 1 апрель кунини мактабнинг «Уфа» белгилли ёзув машинкасида юқорида келтирилган мактубни ёзиб, почта қутисига ташлайди...

Хўш, Эргаш Сафаров нега бу жиноятни содир этди? Наҳотки, пул, бойлик учун шунчалик ласткашлик қилиш мумкин? Қўллари Эрнестнинг томоғига чанг солганда, наҳотки ўз болаларини кўз олдида келтирмади? Кимдир уларни ҳам шундай ҳолга солса, нима

қиларди? Нега у қотиллик қилди? Нега бир оила бошига оғир кулфат келтирди?

У дастлабки терговда ва судда ўз жиноятига қисман иқдор бўлиб, марҳумнинг амакиси Февзи Смедлаевга нафрати баландлигини, у билан қўшни эканлигини, Февзидан доимо ҳақоратомуз гаплар эшитганини, шунинг учун бу ёвузликка қўл урганини айтади. Лекин бунга ишониб қийин. Агар у юқоридаги асосларга кўра жиноят қилган бўлса, нега пул сўраб хат ёзди? Шунинг ўзиёқ Эргаш Сафаровнинг гапини инкор этишга асос бўлади.

Ҳаётда етишмовчиликлар кўп. Лекин жинояткорона ишларни улар билан оқлаб, изоҳлаб бўлмайди.

Эргаш Сафаров содир этган даҳшатли қабиҳлик бутун Шахрисабзни ларзага солди. Судга шаҳардаги 26 ташкилотдан қотилга олий жазо берилишини талаб қилган хат тушди. Худди шундай хат билан Эрнестнинг синфдош дўстлари ҳам судга мурожаат қилдилар.

1990 йилнинг 29 октябрдан 14 ноябргача Қашқадарё вилоят судининг биносида Эргаш Сафаров устидан очик суд мажлиси бўлиб ўтди. Жиноятчи ўз қилмишини тўлиқ бўйнига олди. Суд Э. Сафаровни олий жазога ҳукм этди.

Оғир жазо. Аммо содир этилган қабоҳат-чи? Қачонгача пул, бойлик учун гўдаклар ўғирланади? Ахир, бугун фарзандларини зор-зор қидириб юрган ота-оналар минглаб-ку! Шуларни ўйлаб, норасида Эрнестнинг қотилига берилган жазо тўғри деган фикрга келдим. Болаларни ўғирлаб, уларни ёвузларча ўлдирганларга шафқат бўлмаслиги керак.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ,
журналист.

ТАРТИВ БЎЛСИН

Ҳурматли муҳарририят! Мен бир мухлиснинг сифатида рўзноманинг ҳар бир сонини қўймай ўқиб бораман. Мени оддий шахримиз фуқароси сифатида кўчаларимизнинг ифлослиги, дайдиларнинг, тиланчиларнинг, маст ҳолда гандираклар, одам қиёфасидан чиққанларнинг тобора кўпайиб бораётганлиги ташвишлантиради.

Менинг таклифим кўчаларимизда тартиб ўрнатиш-

ни, унинг озодалиги учун масъулиятни маҳалла қўмитаси раҳбарларига, кўп қаватли уйлар қўмитаси раисларига юклатиб қўйилса.

Дайдилар, тиланчилару мастлар билан эса милиция ходимлари шуғулланишса.

Икки миллиондан ортқ аҳолиси бор шахримизни тартибга солиш пайти келди.


Шомурод ОЛЛОБЕРГАНОВ,
Тошкент шаҳри.

ТАШАККУР

Ҳурматли муҳарририят, рўзноманинг 1991 йил 12 январь сониди «Маҳсул кийим ҳақида» мақоласи босилган эди. Ушбу мақоладан сўнг туманимиз ИИБ ППХ, соқчилик ва ДАН ходимлари вилоят ИИБ томо-

нидан иссиқ пўстин ва оёқ кийимлари билан таъминланди. Бунинг учун «Постда» рўзномасига ўз ташаккуримизни изҳор этамиз.

Ҳурмат билан Бўстонлик тумани ИИБ раҳбарияти.



Кўзга кўринмас фаррош юракдан чиқариб ишлаб, бир-икки кун ичида дўконларимиз пештахталарини чиннидай тозалаб қўйганга ўхшайди. Бунда ҳеч қандай сир йўқ. Нархнаво шу йил апрелининг иккинчи кунидан бошлаб терак бўйи ўсиши зарбасини қандайдир йўл билан енгиллатиш мақсадида жафокаш харидорларимиз қилган «ҳужуми» оқибати бу.

Шунинг учун илгари кирганда мол танланадиган Марказий кўпмолли дўкон бугун қадрига ҳўнг-ҳўнг йиғлаётганига, жунбушга келган харидорларни милиция тартибга солиб турганига ажабланманг.

СУРАТЛАРДА: Марказий кўпмолли дўконда харид пайтлари. Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.

КЎРИБ ТУРИБ ТИКАН БОСДИ

АЙТАЙЛИК, кечагина ўрта мактаб партасини тарк этган ўсмир кингир ишга қўл урса, ҳа, энди, ёшлик қилибдида, деб ҳаспўшлаш мумкин. Лекин қонун-қондани яхши билган тулпа-тузук одам нафсининг гапига кириб, ўғирлик қилса-чи?

Ленинград тумани ички ишлар бўлимига Шамсиддинов номли давлат хўжалиги гаражга ўғри тушганлиги ҳақида хабар келди. Зудлик билан тузилган оператив гуруҳ қидирув ишларини бошлаб юборди. Бу

гуруҳ таркибиди ЖКБ ходими, милиция капитани Мирзамаҳмуд Султонмаҳмудов, катта участка вакили Муқимжон Жўраев ва терговчи, милиция катта лейтенанти Мирзажон Мирзаҳамдамовлар бор эди. Тезкорлик фойда берди. Эшимбек қишлоғида истиқомат қилувчи, Қўқон шаҳридаги 9-билим юртида ётоқхона коменданти бўлиб ишловчи, муқад-

дам ЖМнинг 114-моддаси 3-банди асосида судланиб, ўн йил қамок жазосини ўтаб чиққан Анвар Ботиров қўлга олинди.

Тергов жараёнида у тунда мазкур хўжалик гаражига тушиб, нархи 56 сўм 77 тийин турадиган пайвандловчи газ аппаратини, шу аппаратнинг 16 сўм турадиган редукторини, 77 сўмлик 36 метр шлангини, жаъ-

ми 169 сўм 77 тийинлик давлат мулкни ўмарганини тан олди. Ана шу нарсалар гаражга тутатиб кетган дала четидидаги тутзордан топилди.

Туман ИИБ терговчилари бу ишни обдон ўрганиб чиқдилар ва А. Ботиров ишини ЖМнинг 114-моддаси 2-бандига асосла-ниб, судга оширдилар.

Р. ҚОСИМОВ,
«Постда» муҳбири.

ТУЗАТИШ

Техник қусур туфайли «Қўзғунларни енгган ирода» мақоласининг еттинчи устуни охириги сатрбошисидида 23, 24, 25-сатрлари: «инини жабборга бериб ишлайдиган йигитларимизнинг ҳам шаштлари паст эди. Ахир,» — деб ўқилсин. Йўл қўйилган хато учун узр сўраймиз.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир — 32-38-86,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
УзССР